

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЅЪАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan • www.uzas.uz • 2010-yil, 5-noyabr • № 45 (4080)



БИР АВЛОД ҚУРАДИ, ЎН АВЛОД ЯШАЙДИ

Бу йилги куз дала меҳнаткашларини яна бир бор жиддий синовдан ўтказди. Кимнинг кимлиги билинди-қўйди. Бошқа соҳаларда бўлгани каби пахтачиликда ҳам тажриба, маҳорат деганлари бир-икки мавсумда ўз-ўзидан эмас, деҳқон неча иссиқ-совуқни кўриб, бошидан ўтказганидан кейин шаклланиди, деган гап яна бир бор тасдиқдан ўтди. Қаламни тўғри ушлашни эплаганки одам ёзувчи ёки журналист бўлиб қолмаганидек, елкасига кетмонини ташлаб, далага отланган одамнинг ҳаммаси ҳам кузда ҳосилни уюб ташлайдиган миришкор бўлиб қолмайди.

Биргина Наманган вилоятининг Уччи туманида бундан икки-уч йил аввал 370 та пахта-галла етиштирувчи фермер хўжаликлари мавжуд эди. Эндликда бу иш билан 233 та хўжалик шуғулланмоқда. Иш натижаларига қараб табиий сараланмиш юз берди.

Пахтакор усти очик далада меҳнат қилади, ўз соҳасининг академиги даражасига етганида ҳам, ҳосил тақдирини об-ҳавога, кузнинг қандай келишига, сувга, ўғитга,

техникага боғлиқ. Йиллар эса одамлар каби бир-бирига асло ўхшамайди. Баҳор серёғин келса чорвадорга яхши, галлакорга маъқул, аммо пахтакорга қийин.

Водийда бўлиб, уста пахтакорлар, фермерлар билан суҳбатлашар эканман, Миср эҳромларидай виқорли, чорқирра қилиб уюб қўйилган ҳосил "тоғ"ларига ҳавас билан тикилиб туриб, одатдагидек бир мақтов мақола ёзиш, унда режаларини ортиги билан бажариб

мизнинг заҳматли меҳнати, азмикорори билан етиштирилган ва бугун қийос очилган пахтазорларга кўзим тушди. Оқ, оппоқ пахта! Миллион-миллион чаноклардаги бўлиқ ҳосил менга эрта-индин парвозга шайланиб турган пола-

Ёзувчилар уюшмаси йўланмаси билан

қўйган илғорларни шарафлаш нияти тугилди. Очиги, ижод қалами бизни кўпинча шу усулга тортиб кетади — жуда осон усулда кургур: сувчилар, механизаторлар, теримчию хирмонда "пахта шопираётган" (устоз Туроб Тула таъбири) азаматларнинг номларини санаб ўтсангиз, бир-иккитаси номидан "ундоқ қилдик, бундоқ қилдик" деган жумлаларни тўқиб ташласангиз, бас, бинойидек мақола бўлади. Пахта ҳақида кўп ва хўб ёзган ҳамкасбларим катори мен ҳам ўз вақтида шу "юмалатма" усулни қўллаганман. Бир мақоламнинг якуни шундай эди: "Як-40 самолёти ердан энгилгина узилиб, ҳавога кўтарилганида вилоятнинг Наманган, Тўрақўрган туманлари далаларида азамат бободоҳқонлари-

пон оқушларни эслатди...". Шундай деб ёзганман, аммо ўзбек пахтакори даласидан уначидан бу оқушлар қаерга бориб қўйилари, кимларнинг боғларини обод қилишлари ҳақида ҳеч нима демаганман. Бошқа ҳамкасбларимиз ҳам шундай қилишган. Мустақилликкача пахтадан келадиган даромаднинг чуғию тақсими, толанинг жаҳон бозоридagi баҳоси, тушумдан деҳқон қанча наф қўрадио, тайёрга айёрлар қанча даромад топади — бу тўғрида ёзиш одат эмас эди, йўл беришмасди ҳам. "Сизлар пахтани етиштириб бераверинглар, бўёғи билан ишларинг бўлмасин!" дейишарди. Шунга қўйикан эдик.

Давоми иккинчи саҳифада



Устоз ва шогирдлар

МУМТОЗ НАВОЛАР СЕҲРИ

ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Азиз газетхон!
Севимли газетангиз —

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»га
2011 йил учун обуна давом этмоқда.

Обуна туманларнинг матбуот тарқатиш бўлимлари,
«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамиятининг
почта бўлимлари, шунингдек, жамоатчи матбуот
тарқатувчилар томонидан расмийлаштирилади.
Тошкент шаҳридаги матбуот тарқатиш дўконлари
орқали ҳам газетамизга обуна бўлишингиз мумкин.
Ҳурматли муштарий, агар сиз «ЎзАС»га вақтида обуна
бўлсангиз ижодий мулоқотимиз йил бўйи
давом этaveraди.

Нашр кўрсаткичимиз — 222.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида бўлиб ўтган адабий учрашув Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг "Улуғ салтанат" тетрологиясига киргүвчи "Мироншоҳ Мирзо" тарихий романи тақдиротиға бағишланди.

Ўзбек адабиётда тарихий романчиликка асос солган устоз адиблар аъёнларини давом эттираётган таникли ёзувчи Муҳаммад Алининг "Сарбадорлар", "Жаҳонгир Мирзо", "Умаршайх

АДАБИЙ УЧРАШУВ

Мирзо" сингари романлари ўқувчиларнинг сеvimли асарларига айланмиш улгурди. У яқинда "Улуғ салтанат" тетрологиясининг учинчи китоби "Мироншоҳ Мирзо" романини эълон қилди.


Учрашувни кутубхона директори адабиётшунос олим Абдусалом Умаров очиб, тарихий роман яратишда тарихий фактлар ва тўқимадан меъёрида фойдаланиш ютуқлар омили эканлигини таъкидлади. Сўзга чиққан адиб ва олимлардан Пирмат Шермухаммедов, Жонрид Абдуллахонов, Омон Мухтор, Асад Дилмурод ва бошқалар адиб романларида яратилган соҳибқирон Амир Темурнинг ёрқин сиймоси, бу йўлда олиб борилган ижодий изланишлар, тарихий даврни бадиий тадқиқ этиш борасидаги мураккабликлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Ҳозирги тарихий романчилигимиз ва адабий жараён ҳақида кизгин суҳбатга айланиб кетган бу учрашув барчада яхши таассурот қолдирди.

“ҚУЁШ БЕКАТИ”ДАГИ УЧРАШУВ

"Шарк" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳрири яти халқимизнинг хассос шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Ориповнинг "Танланган асарлар"и янги жилдини босмадан чиқарди. Тўлғамга шоирнинг аввалги китобларига қирмаган шеърлари, мақола, суҳбат ва таржималари жамланган.

Доимий ҳамроҳ



Китобнинг шакл ва мундарижаси ҳамда дизайни 2000 — 2001 йилларда Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилган "Танланган асарлар"га айнан ўхшаш бўлиб, унинг мантқиқий давоми сифатида олтинчи жилд тарзда берилган. Китобнинг "Қуёш бекати", деб номланиши ҳам бежиз эмас. Муаллиф уч йил муқаддам Японияга сафари чоғи Токиода битган тўртлигида она юртимизни кўш бекати сифатида тараннум этган эди:

Сайр этиб юраркан олис Японда,
Ажиб фахр ҳисси жушарди қонда.
Кўён бу дёрдан чиқса ҳам гарчанд,
Бир куп тўхтаб ўтар Ўзбекистонда!

"Қуёш бекати" шоирнинг ўтган асрининг олтинчи йиллари бошида ёзган ва эълон қилинмаган илк шеърларидан намуналар билан очилади. Шунингдек, Италия сафарига доир туркум шеърлари ҳамда шоирнинг кейинги йилларда ёзган янги асарлари ҳам адабиёт мухлислари учун ўзига хос тўхта бўлган.

Китобдан жой олган машхур ўзбек шоири Ҳамид Олимжон ҳаёти ва ижодига доир "Қайғусини қувонгга айлантирган эди", "Ойбек абадиёти", "Ўзбекистон давлат мадҳияси шарҳи", "Адабиёт ва замон", "Сен баҳорни соғинмадингми?", "Улуғ пирга ўхшайди Ватан", "Мен нечун севаман Ўзбекистонни?", "Ўтган даҳларнинг номин этиб ёд", шунингдек, устоз адабиётшунос Озод Шарафиддинов хотирасига бағишланган "Маънавий жасорат соҳибини" сингари мақола ва суҳбатлар ижтимоий-маънавий ҳаётимиздаги турфа жараёнларни шоир нигоҳи орқали акс эттирилгани билан аҳамиятлидир.

Муҳлислар шоирнинг Қ.Кулиев, Н.Тихонов, А.Файнберг, И.Юсупов, А.Синўғил, А.Тожибоев ижодидан қилинган таржималари билан ҳам танишадилар.

Адабиётшунос Дониёр Бегимкуловнинг китобдан ўрин олган "Шеър — қалб изтиробини" номли сўнгсўзида машхур адиб Чингиз Айтматовнинг шоир ҳақидаги қуйидаги фикри келтириб ўтилган: "Улкан шоир ўз халқининг овози, унинг орзу-умидлари ва қалб изтиробларининг ифодасидир... Абдулла Орипов менинг кўз ўнгимда XXI асрга қадам қўйган даврнинг буюк шоири бўлиб гавдаланади".

Абдулла Орипов "Танланган асарлар"нинг навбатдаги жилди нашрига Улуғ Бек муҳаррирлик қилган. Нашр адади уч минг нусха.

Кўргазма залларида

Ўзбекистон Бадиий академиясининг кўргазма-заларида Александр Тюриннинг "Мулоқот" номи кўргазмаси очилди. Мазкур кўргазма рассомнинг ижодий ҳисоботи бўлиб, унда тўқсондан ортиқ рангтаъсир асарлари намойиш этилмоқда.

Замонавий тасвирий санъатнинг маҳоратли вакилларида бири Александр



“МУЛОҚОТ” ТААССУРОТЛАРИ

ҳам залвори билан томошабин эътиборини тортади.

А.Тюрин ижодий изланишларини давом эттириш мақсадида 1990 — 1991 йиллари И.Е.Репин номидаги рангтаъсир, ҳайкалтарошлик ва меъморлик институти қошидаги "Расм ва рангтаъсир" бўлимида малакасини оширди. У йиллар мобайнида эгаланган билим ва малакасида унумли фойдаланиб, асарларини қайта-қайта ишлашдан эринмайди. Рассом асарларида манзаралар жуда ёрқин акс этиб, томошабинга ажиб туйғу бағишлайди. Санъаткорнинг мавзу танлаши ҳам эътиборга лойиқ. Унинг ижодида рамзлар ва услубий ранг-баранглик кўпроқ учрайди. Бу орқали рассом ўзининг ҳаётта, табиатта муносабатини томошабинга таъсирчан тарзда етказиб беради.

Александр Тюрин юзга яқин кўргазмалар иштирокчидир. Унинг асарлари Россия, АҚШ, Исроил, Германия, Австрия, Франция, Буюк Британия, Туркия, Жанубий Корея, Қозғистон, Қирғизистон ва бошқа мамлакатларда намойиш этилган.

ДОСТОН МУҲОКАМАСИ

Ёзувчилар уюшмасида шоир Ашуралӣ Боймуроднинг "Меҳристон" достони муҳокамаси бўлиб ўтди.

Номидан ҳам англашилиб турибдики, инсонларни бир-бирига яқинлаштирувчи, кўнгилларни обод этувчи, боринги, олам меҳварини бир маромда ушлаб турувчи олий туйғу — меҳр ҳақида сўз юритилади. Аммо шоир бу

борада жўн фикрлар, содда мулоҳазалар, куруқ насиҳатлардан фойдаланмай, Орол фожиаси, наботот ва ҳайвонот дунёси таназули, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатларни ҳам қаламга олади.

Ўзбекистон халқ шоирлари Сирожиддин Саййид, Маҳмуд Тоир, шоирлар Салим Ашур, Икром Отамурод, Мирпўлат

Мирзо, Турсун Али, Даврон Ражаб достоннинг ютуқ ва камчиликларини, тўлдирилиши, қайта ишланиши лозим бўлган жиҳатлари ҳақида гапирдилар. Адабиётшунослар Абдулла Улугов, Аҳамбек Олимбеков достон композициясидаги номувофиқлик, баъзи қиёмига етмаган жумлалар борасида ўз мулоҳазаларини билдирдилар.

ЯНГИ СПЕКТАКЛ

Ўзбек давлат драма театрида Григорий Горин асари асосида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист Арсен Исмоилов сахналаштирган "Герострат ёхуд номи ўчсин" трагик комедиясининг премьераси бўлиб ўтди. Асарда дунёнинг етти мўъжизасидан бири деб ҳисобланган "Артимедия" ибодатхонасига ўт қўйган шухратпараст Герострат ҳаёти тасвирланган. Маълумки, у тарихда фақат шу йўл билангина қилиш мумкин деб ўйлайди. Ваҳоланки, ватанга, халққа хонлиқ қилган шахсларни инсоният кеçирмайди. Шу жиҳати билан спектакл бутунгун кун учун ҳам долзарб бўлиб, терроризмнинг ёвуз қиёфасини кўрсатиб берган. Режиссёрнинг узига хос талқини, танланган мусиқа ва либослар, саҳна безағи ҳам эътиборга лойиқ ва актёрлар ижросини аниқ мақсад сари йўналтиришга хизмат қилган.

Аброр МЕЛНБОВ

Бошланиши биринчи саҳифада

Мингбулоқдаги дала шийпонларидан бирида отаси, ўзи, фарзандлари ҳам пахта далаларида улғайган бир сўхбатдошим менга: "Кеча телевизорда кўргандирсиз, Ливерпул биржасида пахта толасининг нархи яна ошди" деди. У бу гапни икки бир гуруҳ билан, пахтакорликдан фойдаланиб айтиди ва давом этди: "Қаранг, шунақа йил пахта етиштирибмизу, тола нима, узун-қисқалиги, йўғон-ингичкалиги нима, жазон бозориди қайсинисига талаб бор, қайси навадан кўпроқ даромад келадди, қайси нава санатобоп, харидордир — булар тўғрисида сира ўйламабмиз-а. Э, содда бўлмай кетайлик. Мана энди, ерининг ағаси деқоннинг ўзи бўлиб турибди. Чигитни билиб-билмай, фарқга бормай қўймаймиз энди. Еримизга, сўвимизга қараб нава танлаймиз..."

Бу гапни бугун биргина Наманганда эмас, бошқа вилоятларда, бошқа туманларда, чекка қишлоқларда ҳам эшитиш мумкин. Бозор муносабатлари маҳсулот етиштирувчиларни иқтисодий тафаккурга, фикрлашга, етти улғаб, бир кешига ўргатди. Ҳеч кимга кераги йўқ, бозор баҳоси таннаридан анча арзон, истеъмолдан қолган дардисар нарсаларни ишлаб чиқариб, бир жойга уюб, тахлаб қўйишдан наф йўқлигини бугун даладаги оддий деқон ҳам тушуниб етди. Ҳамма гап мана шунда!

Яқинда пойтахтимиз Тошкентда ўтказилган халқаро пахта савдо-ярмақасига бўлган эътиборни кўринг. Пахта санати мутасаддиларининг ҳали териб улғурилмаган ҳосилимига қизиқишини кўринг — далаларимизда етиштирилаётган пахтанинг сифати йилдан-йилга ошиб бормоқда. Мен оддий ҳамюртларимизнинг деқонга гуруридан таъсирлангани. Мана, сиз ҳам эшитинг: "Ўзбекистон нон-тузи, пиласио тилласи, анорию анжирю, қовун-тарвузи ширин, бунинг устига пахтасини қаранг, Парвардигорининг берганини қаранг, керак бўлса қуюқ салом бериб келишаркан-ку харидорлар. Бир сотайлик-а..."

Ярмарка иш бошлаган кунлари воқидида эдим. Одамларнинг тилида бир гап: "Бу йил пахта етиштирадиган кўпгина мамлакатларда ҳосил яхши ўнмабди. Кўпларнинг умиди биздан эмас..."

Шу ёқин мулоҳазалар билан Тўғрўқорон, Уйчи, Норин, Учқўрғон туманлари пахта далаларида миришкор деқонлар билан учрашдим. Ён дафтарим рақамлар, сўхбатдошларимнинг фикрлари билан тўлди. Наманган туманидаги 184 та фермер ҳужалигининг аксариятида шартнома режалари барвақт бажарилди. "Ғайратбек Шўҳратбек", "Ўзбекистон", "Ғофирнон Тоғаев", "Навбахор намунаси", "Анор" да ҳосилдорлик кўр-қирқ түрт центнерга етди. Туман далаларига "Анджон", "Омад" навлари мос келибди. "Генетик хусусияти яхши, яхши шохлайди, ҳар шохда 5-6 тадан қўсақ етмайди", дейишди менга.

Миришкор қишлоқдаги "Франция" Ўзбекистон" қўшма корхонасида янги ҳосил пешма-пеш қайта ишланмоқда. Энди мақолани бошлайверсам ҳам бўлади, деб ёзув столига ўтирмаман. Аммо дафтардаги "Вилоятда одамларнинг фикрлаши ўзгарган, айниқса, ёшлар бугун тамомла бошқача" деган жумла ҳаёлимни бошқа томонга қараб бурлади. Ўзимга ўзим қарши чиқаман — суяги қотиб бўлган одамни ўзгартириш қийин-ку, ахир, дейман. Лекин Наманганга йўли тушган, одамлар ҳаёти билан яқиндан танишган, вилоят марказини тўла қамраб олган қурилиш, бунёдкорлик ишларидан завқланган, қувувчиларни, маҳалла оқсоқолларини сўхбатга тортиган кишиларнинг аксарияти наманганликлар, айниқса, ёшлар онг-шурудида юз бераётган ижобий ўзгаришларни аниқ ҳис этади, бугунги "тамомла бошқача" сўхбатдошларига қўшилиб, ўзи ҳам янгиға фикрлай бошлайди.

Бундан ўн беш-йигирма йил аввалги Наманганни яхши эслаймиз. Қаерда бу шаҳар тўғрисида гап бошланса, "Зўр жой, эрта азонда поевзддан тушибинизга га темир йўл вокзалининг ўзиде анчиққич на мастава, иссиқ нон, қаймоқ тайёр, э қойил-е, одамларнинг муомаласини айтмайсизми?" дейишарди. Асосий баҳо шу эди. Аммо ўзига хос тарихга эга, не-не аломатларга бешиқ бўлган бу шаҳар учун биргина шу баҳонинг ўзи бўлиб олмади ҳосилга хусусида ҳеч ким чўқ эмасди. Шаҳар ўртасида ўша йилларнинг кўзи билан қараганда обод ва гавжум истироҳат боғи, атиги битта, қишда даярли иситилмайдиган, эшикдан киришиниз билан пешонанган "жой йўқ" деган ёзувга уриладиган эски меҳмонхона, афтоҳадох беш-олтига қойилна, битта түрт қаватли магизин бор эди, ҳолос. Мана энди, иссиқ нон, маставаю қаймоқ, бошқа нон неъматлар сакланиб қолгани ҳолда шаҳарда пойтахтдаги қоналардан қилиш-

майдиган замонавий иморатлар пешмапеш қад ростламоқда. Ҳар ҳафтада, ҳар кун бирир бир жойда янги иморат олдида лента қирқилади десак, муболага бўлмайди. Тадбиркорлар давлатимиз томонидан берилган имтиёزلардан фойдаланиб, ҳусни жамоли, қадди-қомати асрлар синовидан ўтиб келаятган тарихий иморатларни қурган олис аждодларимизга муносиб ворис эканликларини намоян этмоқдалар. Бири иккинчисидан бежирим, сервис хизмати жаҳон андозалари даражасида меҳмонхоналар сони йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. "Наманган", "Истиклол", "Туркистон" да тунаб қолсангиз, ҳар қанча чарчоғингиз бўлса, ёзилиб кетади.

Бу ўзгаришлар Президентимизнинг "Наманган шаҳрини 2009 — 2012 йилларда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар Дастури тўғрисида"ги қарори асосида бошланди. Аҳоли сонига нисбатан пойтахт Тошкентдан кейин иккинчи ўринда турадиган Наманган шаҳри ҳаётининг тубдан ўзгаришига асос бўлган бу ҳужжатга кўра, уй-жой ҳақларини жиддий реконструкция қилиши, янгиларини қуриши, кўча ва йўллари созилаши, сервис хизмати шохобчаларини бугунги талаблар даражасида ташкил этиш учун 164 миллиард сўм ва яна 91,2 миллион доллар миқдорда маблағ сарфланади. Тушунган одамлар учун айтиш-

ликка эришиш учун ҳали кўп иш қилиниши керак. Бир вақтлар наманганлик ҳунармандларнинг таниш-билиш учун эмас, соддакор харидорлар учун тайёрлайдиган "Йўриқбоп" маҳсулотларининг сифатсизлиги тўғрисида кўп ёзганмиз. Янги уйланган йигитга тўёна қилинган ётоқхона қаровоти тўйнинг иккинчи кунини икки кишини кўтара олмади, "шалоп" этиб, ўртаси тушиб кетганини ҳажв ҳам қилганмиз. Бугун Наманганда ишлаб чиқарилаётган мебель, саноят ва уй-рўзгор буюмлари, чарм пойфазалар арзон ва чидамлилиги, маҳаллий шайроғига мослиги билан пойтахтлик харидорларга ҳам маъқул келмоқда. Эракларга палто, костюм-шым тикишда наманганликлар буюролик тажрибали касбдошлари билан тенгмадор белашишмоқда. Қандолатчилар, касаначилар, халқ амалий санъати усталарининг ноёб ишлари кўзингизни қамаштиради. Ёш ҳунарманд йигитнинг гаплари ён дафтаримдан жой олди: "Сотарман, энг аввало, оларманинг чўнтагини (харид қувватидан демокчи) хабардор бўлиши керак. Буюртма бўлса, ёнғоқ дарахтдан, тут ёки ўриқдан беш-ўн миллион сўм турадиган мебель ҳам ясашимиз мумкин, аммо биз кўпроқ оддий, ризқнасибасини даладан, боғ-роғлардан тегиб оладиган болажон одамларни, уй-жой қуриб, рўзгорини энди-энди йўлга қўяётган ёшларни ўйлаймиз..."

Тўғри мулоҳаза. Аммо, инглиз би-

корхонаси фаолиятида ҳам қўриш мумкин. Асақдаги автомобиль заводининг айрим бутловчи қисмлари Наманганда ишлаб чиқарилмоқда. Вилоятда фаолият олиб бораётган 26 миңдан ортиқ кичик ва хусусий корхоналарда иш билан банд аҳолининг саксон фоизи меҳнат қилаётганини айтишди менга.

Собиқ тузумни таназзулга олиб келган омилардан бири — тадбиркорлар ва ишбиланчиларга кун берилмагани бўлди. Истиклол тўғрисида йўлдан сунъий говлар олиб ташланди, қўлидан иш келадиган, ўйли-фикрли кишиларга ҳақ-хуқуқ, имтиёз берилди. Одамлар, аввалгидек, кўча эшикни тақа-тақа ёпиб, чироқни хира қилиб қўйиб, қосибчилик ёки ҳунармандчилик билан ҳуфёна шуғулланмай, қувди-қувдига учрамай, бозорни хилма-хил маҳсулотлар билан тўлдирмоқлар, меҳнатлари натижаларидан баҳраманд бўлмоқдалар. Даромад бўлганидан кейин қозоннинг қайнаши чўмичининг ўйнаши ҳам шунга яраша бўлади. Бугун нафақат Наманганда, мамлакатимизнинг бейтисно барча вилоятларида, чекка туман ва қишлоқларда ҳам истиклол тўғрисида йўзга келган бу улғу имкониятнинг бекиёс натижаларини кўриш мумкин.

Вилоятда, айниқса, шаҳарда маҳалла институтининг аҳамияти ошиб бормоқда. Маҳалла тинч — мамлакат тинч. Шаҳар ҳаётининг кўпгина муаммолари маҳалладошлар иштирокида бамаслаҳат ҳал этилаётгани эътиборга молик. Пойтахтимизнинг Учтепа туманида бошланган яхши бир ҳаракат — воғга етмаган ёшларнинг тунги дам олиш жойларига боришларини тартибга солиш тажрибаси Наманганга (бошқа вилоятларга ҳам) етиб келса мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Вилоят маданий ҳаётида қувонарли ютуқлар кўзга ташланади. Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жағмақасининг "Келажак овози" кўрик-танловларида голлибликни қўлга киритаётган ёшлар сафи йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Уларнинг қўлидаги бугун Ўзбекистон Миллий университетида, Тошкент Давлат консерваториясида, Маданият институтида таҳсил олишмоқда. Вилоят мусикали драма театри биноси қайта тасмирилади. Ижодий жамоа бугун янги-янги режисар билан банд. Бир вақтлар Марърифат Убайдуллаева, Ҳабиба Оқунова, Назира Аҳмедова, Муқаррама Азизова каби етуқ санъаткорлар ижод қилган бу саҳна янги истеъдодлар ҳисобига андаж жозибандор бўлиши аниқ. Наманганлик қизларнинг спорт соҳасидаги ютуқларини айтмайсизми? Ҳолбуки, яқин ўтмишда ёш қизларнинг волейбол, баскетбол, кураш, айниқса, бадий гимнастика билан шуғулланишлари жиддий муаммо эди. Маҳаллий "менталитет" нурини унча ҳушламасди. Бугун дунё мамлакатларида Ватанимиз байроғи наманганлик спортчиларнинг галабаси шарафига ҳам қўтарилмоқда.

Ушшаб, қозоғиза, тушираман, десарат, ширғулик ишлар кўп. Аммо, Наманганда ким билан гапашманг, ҳокимим, тадбиркор ёки оддий пазандами, қурувчи ёки санъаткорим, ҳеч ким "Мана кўринг, ишни дўндириб қўйдик, ҳаммаси жойида" демаяди. Аксинча, ошларда турган вазибалар, ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар, эртанги режалардан гап олади. Бу билан бугун вилоят аҳли ўй-фикрга берилган демокчи эмасмиз. Дунёни сув босса тўпига чикмайдиганлар, ўзидан бир қарч нарини кўрмайдиганлар, тепса тебранамастар бошқа жойларда бўлганидек, бу ерда ҳам топилади. Аммо менга сўхбатдош бўлганларнинг аксарияти, мен тинглаган ёшларнинг қўнчилиги, ишонч билан айта оламани, ҳаракатдаги одамлар, Зақлар билан. Бирир бир англик, бирир савоб иш дея югуриб-елишди.

Бу йил шаҳар марказидаги машҳур борда аънавий гул байрами элгинчи бор ўтказилди. Битта қатқус гулини гул шайлоғига элгинчи бор намойиш қилишди. "Гул туг кийиб яшаган шаҳар, Қўзлар гул, япроқлари гул, Гул сайлида яшаган шаҳар, Лаблари гул, дудқоқлари гул...". Бу — ҳасос шоир Робиддин Исҳоқовнинг ҳароратли сатрлари.

Наманган таърифини бир умр қўйлаб ўтган Ҳабиб Саъдуллиннинг мана бу мисралари ёдингизда бўлса керак:

Меҳрин қорштириб пок ҳавосига, Чиройига чирой қўшар Наманган, Кўзгадур халқининг мудоасига, Катта тўйга қўшар Наманган,

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

ЮЗ МИНГ БАЙТНИ ЁД БИЛАСИЗМИ?

Футболни кўп кўргансиз. Майдонда бирир футболчи у ёқдан-бу ёққа беҳуда югуриб юрган бўлса, яхши ўйнаётган ҳамкасби ҳар қанча бақириб-чақирмасин, танбех бермасин бефойда — бекорчи югуришини қўймайди. Токи мураббий бу ҳолни ўй вақтида англаб, уни заҳирада турган бошқа бир истеъдодли футболчи билан алмаштирмагунча сонда борулмақда йўқ ўйинчи лўқиллаб юриверади. Шундай ҳолат адабиётимиз майдонига ҳам кўзга ташланаётгандек. Мураббий — адабий танқид бу вазиятни ё кўрмапти, ё "бўлгани шу", деб ўтирибди.

Биз Ўзод домлани тўғрисида, бўлганига бўлишадиган, "мағзи пуч сўзлардан бир тош нари қоч" адиған, ҳавойи гаплар билан қоғоз қоралайдиган давроси омонларга асл баҳосини айтганидан мунаққид, адабиётнинг чинакам жонқуяри сифатида яхши биланишди. Худди шу сифатлар домлага Абдулла Қаҳҳордан мерос эканлигини ҳам хабардоримиз. Улар адабиётга ўғри мушукка ўхшаб кириб келадиганларга чиқиб эшикларини кўрсатиб қўйганлари кўпларга аён. Бугун бу икки улғу устознинг муносиб шоғирлари борлигини биламиз, аммо улар сўз санъати сўз "санъати"га айлиниб кетишига лоқайд қараб турганлари ажабланилади ҳол. Тўғри, шеър ёки бошқа асар ёзишни биров бировга таққидломайди. Бобур Мирзо айтганидек, элимиз "тили қалам бида рост". Халқимиз шоирқалб, ҳамма ҳам ўн саккиз ёшда шоир бўлиши бор гап. Лекин шу эътирофлар ёнида андиша, истиқола, деган тушунчалар ҳам бор. Қўллар шеър ёзади, аммо шоирлик, ижодкорлик давроси билан жар солмайди. Нар иборса, машқларини бир-икки яқинларига кўрсатади, аксари "эсдалик дафтар"ларидагина қолиб кетади. Бугун ўшандай дафтарларга қай қилишга ҳам арзимас сатрларни шеър деб талқин қилаётган ва уларни қўйга солиб баралла айтаётган қўшиқчилар кўпайган, наза-

римда. Энг ёмони, ёш тингловчилар, ўқувчилар орасида шеърни қўшиқ бўлган одамни зўр шоир, деб тушуниш авж олган.

Аслида чинакам санъат талабларини тушунтириб қўядиган билимдон устозлар, нуқтадон мунаққидлар бор-ку.

Балки устозлар саёз матн ва жўн айтивларни танқиддан тубан, деб ҳисоблашар. Агар шундай бўлса, буюқ адибларнинг ижодий меросини ҳеч йўқса, ёш ижодкорларнинг яхши асарларини, таҳлил қилиб, ибрат сифатида кўрсатиш мумкин-ку! Тилани мисдан ажратиб турадиган жиҳатлар тушунтириб берилса, нур устига нур бўлмайми? Тўғри, йўлда Ёзувчилар уюшмаси томонидан муайян ишлар қилинапти. Бироқ яқин орада бирир истеъдодни топиб, тарбиялаб, оқ йўл тилаб, оммага таништирган оқсоқол устозни кўрганам йўқ. Устоз кўрмаса шоғирлар эса ҳар мақомга йўрғалаб ётибди. Ҳар қандай оҳангдош сатрлар тизмаси шеър бўлмаслигини бундай ёшларга жиддий тушунтириб қўйиш керак.

Зеро, биз каби ҳали ёлғичиб кироор нарсга ёзмаган одам айтган гап футболчининг танбехидек бесамар кетиши аниқ. Шунчаки ҳаволишларнинг сабаби китоб ўқимаслик, мактаб кўрмаганлик натижаси. Баъзан адабиётда янги гап айтишга лаёқат бор тенгдошларимиз ҳам кам ўқиганликларидан бир жойда депсиниб қоладилар. Фитрат домла маърифатини, Фафур Фулом бадииятини, Абдулла Қаҳҳор маҳоратини билмай туриб қандай қилиб ижодкорман, дейиш мумкин. Аслида бу саноқни ҳазрат Навоийдан бошлаб жаҳон адабиёти дурдоналари-ю замондош адиблар ўғирол намуналари билан тўлдирмаск тўғрроқ бўларди. Зеро, улғу шоиримиз шоирликка давоятган одам ўз замондошларини салафларидан юз миңга байт ёд билиши зарурлигини бежиз таъкидламаган.

Азизбек АНВАР

БИР АВЛОД ҚУРАДИ, ЎН АВЛОД ЯШАЙДИ

гагина осон бу рақамлар. Тушунмаган одамлар учун эса...

Шаҳарни аниқ ҳисоб-китоб, пухта ўйланган лойиҳа асосида қайта қуриш бошланганида айримларнинг қавалари учди. "Хаммаёқни бузиб ташлашди, шаҳар чанг-тўзон ичида қолди..." қабилдаги гап-сўзлар пайдо бўлди. Бунга сабаб тор шахсий манфаатдан келиб чиқиб, ҳужжатсиз, тегишли экспертизасиз, йўлақлар, болалар майдончалари ҳисобига қурилган, ўтиш жойларини тўсиб қўйган, ортиқча шовқин-сурони одамларнинг тинчинчи бузадиган қўлаб "қўлбола" иморатлардан воз кенишга тўғри кел-

дарларимизда "Биз бозордан арзон нарсаларни ҳам сотиб олаверадиган даражада бой эмасмиз", деган гап бор экан. Ҳеч кимдан кам бўлмай яшашни ният қилган эканмиз, биз ҳам нуқул арзон-қураг нарсаларга югуравермаслигимиз керак. Шу ерда бир воқеа ёдинга тушади. 1989 йили Бельгияда бўлганимизда, сафардошларим бир нарсадан жуда ўқинганмиз. Қайси магазинга кирмоқчи бўлмайлик, останадаёқ сотувчилар "Совет юнион?" деб бизга кўзларини лўқ қилишарди. Гап нимадалигидан бебаҳаримизда, "Ҳа, Совет юнион" деймиз ўзимизча гурурланиб. Улар бўлса афтларини бу-

Суратда: Наманган давлат университети биноси.



ди. Қурилган иморатнинг қандайлигини билмоқчи бўлган одам уни... бузиб ҳам қўриши керак экан. Қарангки, ташқаридан бежирим кўринадиган қўлаб "қўлбола" қурилишлар биров дурустроқ "пуф" деса тўкилиб тушадиган даражада, эски-тускилардан ямаб-ясаб тилланган экан. Бугун уларнинг ўрнида шаҳарнинг умумий чирой-лаофатини тўлдирадиган, одамларга узок йиллар хизмат қиладиган иморатлар пайдо бўлди. Аввал бўлганидек, ота қурганини бола, бола қурганини набира бузмайди энди. Бир авлод қуради, ўн авлод яшайди.

Бугунги Наманганни келин тушган ҳолига қўйшлаш мумкин. Бундай ҳолини ҳамма саранжом-саршита тўтмоқ зарур. Дунёнинг Малайзия, Сингапур, Япония, Германия каби мамлакатларида ерга бир сиким бўлсин тўқинди, масалан сигарета қолдичини ташлаган киши салкам ярми ойлик маошидан айрилади. Ҳар бир кишини назорат остига олиш қийин, албатта. Улғу адибларимиздан бири айтганидек, назорат инсоннинг ўзида, маънавиятида бўлиши керак.

Бу гаплардан Наманганда ҳеч бир муааммо қолмабди-да, деган фикр келиб қимайди, албатта. Саранжом-саршита-

риштириб, "Бошқа магазинга киришлар" дегандай эшик томонга ишора қилишарди. Кейин билсак, саёхатчилар билан муомала қилавериб, кўзи пишиб қолган муғамбир сотувчилар "совет юнион"дан келадиган сайёхларнинг ёнида қанча пул борлигиндан хабардор эканлар. Наманганлик тадбиркорлар ҳам одамларнинг харид қуввати йилдан-йилга ошиб бораётганини ҳисобга олишлари, пишқ, пухта, бир-икки мавсумга етадиган эмас, отадан болага, боладан набирага мерос бўлиб қоладиган нарсалар ҳақида ўйлашлари зарур.

Наманганда хорийик инвесторлар иштирокидаги қўшма корхоналар сони йил сайин ошиб бормоқда. Улар ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг бир қисми вилоятнинг экспорт салоҳиятини оширишга хизмат қилаётган бўлса, бир қисми ички бозорда нарх-навоининг мўътадиллашувига олиб келаяптир. Чунонки, яқин-яқингача пенопласт қарнизлар асосан Россиядан олиб келинар ва ҳар бир метр беш миң сўмдан сотилар эди. "Туробласт" хусусий корхонаси тарбиқорлари ички бозорда бу маҳсулотнинг нарҳини уч баробар арзон бўлишига эришишди. Бундай мисолни "Наманган электр қурилмалари"

"ТАФАККУР" 2010 йил, 4-сон

Журналнинг янги сони Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти директори, профессор Низомиддин Махмудовнинг она тилимиз нуфузи ва қадрига доир сўхбати билан очилади. "Уткам ва ўлмас тилимиз" сарлаҳвали ушбу мулоқотда истиклол йилларида тилимизнинг обрў-эътибори ошаётгани, лугат бойлиги рангинлашгани, атамалар бўйича янги лугатлар яратилаётгани ва бошқа кўпгаб ижобий жараёнлар таъкидлангани ҳолда айрим матбуот нашрларининг тили ҳануз жуда қашшоқ ва чўмчаллиги, ёшларимиз орасида ўзбекчага русча қўшилиб гапириш одати учраб тургани, шунингдек, баъзи хусусий фирма ва корхоналар ўзларига танлаган "Империл", "Наполеон", "Царь" каби миллийлигимизга ҳечам уйғун бўлмаган номилар ўйламай-нетмай рўйхат-


дан ўтказиб юборилаётгани айтиб ўтилаган.

Кўчкор Хоназаровнинг "Умидли дунё" мақоласида Президент Исрол Каримовнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарига илгартирилган гоилар асосида глобаллаш ва интеграция муносабатлари, инсоният учун балоғат асри ҳисобланган XXI асрда ижтимоий тараққиётнинг ўқсалиши, С.Бердиқуловнинг "Демократик янгиликлар" мақоласида давлат ва жамяят қурилишида сиёсий партияларнинг ўрни, Шаҳноза Қаҳҳорованинг "Фалсафа — ҳикматдир" мақоласида эса фалсафа фанининг асл моҳияти

Журналларни варақлаганда

ҳақида фикр юритилади. Журналнинг "Ҳазина" рункида Ўзбекистон халқ ёзувчиси Асқад Мухтор таваллудига тўқсон йил тўлиши муносабати билан "Инсон мангулига келадди олма..." сарлаҳаси остида ижодкор қаламига мансуб бир туркум шеърлар эълон қилинган. Қўққилик истеъдодли шоира Гулбахор Саидганининг "Юрак тилга кирди" рункидаги туркум шеърлари, Зулфия Куролбой қизининг "Қўлчан" сарлаҳали ҳикоси, шунингдек, драматург Шароф Бошбеков билан "Ҳамма гап — қандай ёзишда" деб номланган сўхбат ҳам "Тафаккур" муҳлисларига ажойиб тўхта бўлган дейиш мумкин. Адабиётшунос Зиёда Ғафорованинг "Моҳият жилолари" рункидаги "Яратти чунки Ҳақ айни муҳаббатдин"

мақоласи ҳазрат Алишер Навоийнинг тафаккур дунёси, адабиётшунос Иброҳим Ҳаққулнинг "Буюклик тимсоллари" рункида берилган "Ҳақ санъаткори" мақоласи эса улғу рус адиби А.Чеховнинг ҳаёти ва ижодида бағишланган. Журналхонлар "Жавондиги жаваҳир" рунки остида фарғоналик адабиётшунос Йўлдош Солижонов муглола қилган китоблар билан танишадилар. М.Азимовнинг "Пайгамбар оролидаги обида" мақоласи эса Термиз шаҳри яқинидан оқиб ўтувчи Амударё ўрта-сида жойлашган қўҳна оролдаги ёдрорлик тарихига бағишланган. Шунингдек, Ф.Қўлдошева, В.Асрақулова, Д.Ҳожимухаммедова, Б.Шодмонов, Д.Назарова, О.Ортиқов, А.Муҳиддин, Н.У.Нарзуллаев, Э.Ҳайитов, Н.Азизованинг "Талқин ва тадқиқотлар" рунки остида чоп этилган тадқиқий мақолалари ҳам журналхонларга манзур бўлади, деб умид қиламиз.



Исмоил Бекжонов кўп йиллардан буён Мутрибий Самарқандийнинг форс тилидаги "Тазкират уш-шуаро" (1605) ва "Нуххайи зебобий Жафари" (1625-1628) тазкиралари қўлёзмалари устида тадқиқот олиб бориб, 2009 йили "Мумтоз сўз" нашриётида "Мутрибий тазкиралари муҳим адабий манба" номли монографиясини нашр эттирди.

Олим Мутрибийнинг тарихга оид кўпгина маълумотларини ҳам қиёсий таҳлил қилиб, жумладан, Улуғбек мирзонинг Самарқанддаги ўз мадрасаси деворига чиздирган хаританинг 1590-йиллари ҳам сақланиб тургани ҳақидаги тадқиқотини газетамиз (2006 йил, 18 август) саҳифаларида эълон қилган. Аммо, афсуски, мазкур харитага доир кашфиётнинг бошқалар томонидан ўзлаштиришга уриниш ҳолатлари содир бўлди. Бу асосиз даъволардан И.Бекжоновнинг 2008 йили газетамиз таҳририятга топширган мақоласи орқали хабар топдик. Бироқ ўзгалар кўнгилни огритишдан истиҳоло қилган олим шундан сал ўтиб, уни чоп этмаслигимизни сўради ва натижада мақола босилмади. Лекин шу кунларда Интернет сайтида Нодира Умарова, УТ томонидан эълон қилинган яна бир мақола мисолида тагин мазкур ўзлаштириш намунасини кўрдик ва Исмоил Бекжоновнинг илгари топширган мақоласини муаллифи илтимоси бўйича эълон қилгитирмиз.

ТАХРИРИЯТ

Гоҳида ижодкорлар тор даврасида айрим олим журналистлар томонидан илм ва журналистик этикага хилоф равишда бошқаларнинг бир неча йиллаб чеккан заҳматли изланишлари туфайли рўёбга чиққан тадқиқотлари, манбаси кўрсатилмаган ҳолда, ҳавола этилаётгани, тўғрироқ, бировлар ишини ўрғинларча ўзлаштириш гапга олиб кетаётгани ҳақидаги гаплар қулқоқча чалиниб қолади. Айтиш лозимки, бундай фикрларнинг кенг омма орасига олиб чиқилмаётгани яна ҳам ёмон бўлиб, ўз вақтида бундай ҳолатларга зарба бермаслик илмда соҳақорликнинг авж олиши ва жамоатчилик фикрини чалғитиш, қалбаки маълумотлар вужудга келишига замин тайёрлаши аниқ. Масаланнинг аниқ шун томонларини жиддий ўйлаб кўрмаганлардан бири, афсуски, ушбу сатрлар муаллифи бўлади. Каминаннинг ўзбек классик адабиёти намоянаси Подшоҳхожа (Хожа), Ҳасанхожа Нисорий таржимаи ҳолига доир тадқиқий фикрлари, "Бобурнома"нинг яратилиш тарихига тааллуқли кузатишлари ва бошқа шу каби илмий изланишлари тўғрисида, дарслик, қосим китобларида манбаси, муаллифи номи кўрсатилмаган ҳолда эълон қилинганга қараб қараб келдим.

АВВАЛ
ЎЗИНГГА УР...

Улуғбек харитаси билан боғлиқ асосиз даъволар хусусида

бўлмадик. Аксинча, кашфиётимизнинг оммалашгани, айниқса, мазкур музей мутасаддиларининг масалага тез ва жиддий ёндашуви учун унинг бир туртки, замин бўлажагини ўйлаб кўнгилмиз кўтарилди.

Бироқ шундан ҳеч қанча вақт ўтмай, турли интернет сайтларида кетма-кет эълон этилган ва дунёга бизники сифатида эмас, балки кашфиётнинг бошқалар томонидан ўзлаштиришга уриниш аломатлари яққол сезилиб турган кўри-нишлари юзага келибди.

Афсуски, биз бундан ўз пайтида хабар топмадик. Фақат 2008 йил баҳоридан интернет сайтларидан Мутрибийга оид маълумотларни излаётган пайтимиз тасодифан Samarkandinfo.uz сайтида ўзбек тилидаги "Улуғбек харитаси" номли мақолага кўзимиз тушди. Ҳўқсак, ундаги гаплар айнан бизнинг мақоламиздаги фикр ва сўзларнинг ўзгаришига, бироқ мақола ўртасига аллақандай манбадан олинган "етти иқлим" ҳақидаги ривоят ва Берунийнинг "Геодезия" асаридан олинган бир чимдим иқтибос тикиштирилган, охирида эса "Тазкират уш-шуаро"даги "харита нухаси ҳозирги кунда Улуғбек мадрасасида сақланмоқда" экани ва "Улуғбек харитасининг қайта ўз жойига қайтарилиши унутулган аъёнларнинг барқарорлашуви демакдир... Мехмонлар эндиликда Улуғбек мадрасаси олиясига кирган пайтида бу харита ҳақида тўлқирқоч тасаввурга эга бўлишди" тарзидаги сўзлар ҳавола этилган. Мақола тагида "Б.Маъруфий, Ўзбекистон журналистлар уюмчаси аъзоси" сўзлари ёзилган бўлиб, хабар 2006 йил октябрда эълон қилинган.

Б.Маъруфий ўз фикрларини Мутрибий асарига суяниб айтётганига қарамай, негадир уларни "ЎзАС" босган мазкур мақоламиз сўзларини қайтарган ҳолда Мутрибийнинг қисқа сатрларида айтган "бу харита Улуғбек мадрасаси деворига чизилган турган" и хусусидаги қайдиға эътибор бермаганлар. Эслатиш жоизки, Мутрибий тазкиранинг ҳеч қаерида харитани Улуғбек мазкур чиздирган ҳақида ёзмаган. Бу фикрлар фақатгина каминанга тегишли бўлиб, харитани Улуғбекка нисбат бериш ва харита атрофидаги бошқа баёнлар Мутрибийнинг мазкур маълумоти юзасидан чикрган мантикий ҳулосамиздир.

Мақоламиз чоп этилган, оммабоп газеталарнинг биринчи мазкур фикрларини миз манбаси кўрсатилмаган ҳолда эълон қилинди. "Улуғбек харитаси мадрасасига қайтадиган бўлди" сарлавҳали бу хабар газеталар шарҳига бағишланган телекўрсатув дастурида ҳам тилга олинди. Гарчи, мазкур шов-шув хабарда исми миз тилга олинмаган эса-да, хафа

лардан энг сўнггиси Нодира Умарова, УТ томонидан 2010 йили эълон қилинди. Бу мақолада ҳам олдинги сўзлар айнан такрорланиб, фақат Улуғбек харитасининг катталаштирилган кўчирмаси эндиликда мадрасанинг "Научно и градостроительное наследие Мирзо Улуғбека" деб номланган янги кўргазмасида намойиш этилаётгани айтилган, журналист Бехруз Маруфий эса, "известный ученый" (таниқли олим) сифатида тилга олинган.)

2006 йил октябр ойида интернетда ОАВ фонди қўлловиди "Карта Улуғбека" деб номланган янги мадрасасида ҳам тарқатилиб, унда Мутрибийнинг "Тазкират уш-шуаро" (2253-рақамли қўлёзма)сидаги рангли харитаси тасвири ҳам ҳавола қилинган. Хабар бошида "Мирзо Улуғбек тузган хаританинг XV - XVI асрлар даврида унинг мадрасасини безаб" тургани, бу хаританинг ЎзФА ШИда сақланувчи Мутрибий тазкираси орқали етиб келгани,

ган хаританинг (XX асрнинг — И.Б.) 20-йиллари мадрасадан олиб кетилгани ва ҳозиргача Ўзбекистон Фанлар академиясида сақланиб турилгани, эндиликда хаританинг академия архивидан олиниб, зарур ҳужжатлар расмиёлаштирилиб, Улуғбек мадрасасига қайтаётгани оламшумул янгилик сифатида талқин этган.

Рустам Хабиевнинг бу хабаридан иқтибослар бошқа сайтларда ҳам тарқатилиб, уларда Улуғбекнинг қозоғча чизилган харитаси журналист Б.Маъруфий томонидан архивлардан излаб топилгани айтилган эди. Утро. Ру(2006.19.10) ва Топшўлат Раҳматуллаев номли журналистнинг ҳам интернет сайтларидан биринчи қўйлаштирилган хабари худди ана шундай такрорлардан бўлиб, Б.Маъруфий эълон қилган Улуғбек харитаси ҳақидаги хабарлар учинчи қўлда бутунлай бошқача кўриниш ва мазмун касб этган. Аммо 2006 йилнинг 27, 30 октябр, 1 ноябрдаги Интернет сайт хабарларини кузатиб эканмиз, улар орасида тагин Б.Маъруфийнинг Улуғбек харитаси ҳақидаги мақоласини учратдик. Бироқ бу мақолада Б.Маъруфий касбдоши Р.Хабиевнинг, юқоридида аслаганимиз, "журналистика қондиришига хилоф иш тутиб" ёлгон хабар тарқатганлигида айбламда эди. Б.Маъруфий тан олиб ёзишча, харитани қўлёзма манбадан Б.Маъруфий эмас, балки ЎзФА Шарқшунослик институти олимлари топишган ва бу ҳақдаги хабари 2006 йил августиди "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасининг муҳбири эълон қилган. Бу кашфиётдан хабар топган Самарқанд давлат музей-қўриқонаси бош директори Нўмон Махмудов эса, Регистон тарихий мажмуаси директори ўринбосари Б.Маъруфий Тошкентга бориб, харитадан нухса кўчириб келишни топширган. Шарқшунослик институти директори ва бошқа илмий ходимлар Б.Маъруфийга харитадан нухса олишга ёрдам берганлар.

Акс садо

қўйлажаги ҳақидаги сўзлари билан якун топган.

Кейинги саналардаги маълумотлардан ҳам хабар топсак, Ўзбекистон, Россия, Қозғистон ва бошқа чет эллардаги "География-геодезия", "Физика", "Новое русское слово" (Р.Хабиев, 18.10.2006), "Двор.ком" каби ўнлаб сайтларда Б.Маъруфий мақоласи ва шу асосдаги хабарлар қўлма-қўл бўлиб кетган экан. Уларда Улуғбек харитасининг топиллиши Б.Маъруфий томонидан амалга ошгани таъкидланган. Ана ҳолос, наҳотки, кўп йиллардан буён Мутрибий қўлёзмалари устида кўз нурини тўкиб, заҳмат чеккан ва самарқандлик ўрта аср олими Мутрибий асарлари маълумотлари ҳамда Мутрибий ҳаёт йўлини алоҳида меҳр билан ўрганиб, XVI аср Самарқанд адабиёт ва маданият муҳитини оламга танитган каминанга ҳақиқат шун даража хиёнат бўлса? Яна, тагин Самарқандда туғилиб-ўсган журналист томонидан! Тўғри, интернетдаги бу мавзуга доир хабарлар билан танишишда давом этган, кўп ўтмай, тўла бўлмасда-да, қисман адолат қарор топанни гувоҳи бўлдик. Ха-да, қинғир ишининг, барибир, қийиғи чиқади-ку!

Б.Маъруфий қуйида сўз юритмоқчи бўлганимиз бир раддияномасида ўзининг "журналистнинг ўз изланиши ҳақида" раёнида бирор манбага мурожаат этиши чоғи амал қилинадиган қондаларини устозларидан ўғит сифатида мерос қилиб олган" и ҳақида ёзади. Аммо, юқоридида кўрганамиздек, мазкур ўғитни мутлақо "эсидан чикарган" Б.Маъруфийдан ҳам учароқ, аммо чиндан ҳам Б.Маъруфий хабар-мақоласи оханги ва Samarkandinfo.uz сайти хабарида айтилган фикрлардан Улуғбек харитаси топиллишини Б.Маъруфий фаолияти билан боғлашга мажбур бўлган Рустам Хабиев номли журналист самарқандлик касбдоши хабарига яна жиндак янгилик қўшганча, аниқроғи, Б.Маъруфий билан бўлган (Б.Маъруфий айтишича, "аслида бўлмаган") сўхбати асосида "Новое русское слово" сайти (18.10.2006) да "Обнаружено древняя карта" номли хабарини тарқатиб, унда Улуғбек чиздир-

ган хаританинг (XX асрнинг — И.Б.) 20-йиллари мадрасадан олиб кетилгани ва ҳозиргача Ўзбекистон Фанлар академиясида сақланиб турилгани, эндиликда хаританинг академия архивидан олиниб, зарур ҳужжатлар расмиёлаштирилиб, Улуғбек мадрасасига қайтаётгани оламшумул янгилик сифатида талқин этган.

Рустам Хабиевнинг бу хабаридан иқтибослар бошқа сайтларда ҳам тарқатилиб, уларда Улуғбекнинг қозоғча чизилган харитаси журналист Б.Маъруфий томонидан архивлардан излаб топилгани айтилган эди. Утро. Ру(2006.19.10) ва Топшўлат Раҳматуллаев номли журналистнинг ҳам интернет сайтларидан биринчи қўйлаштирилган хабари худди ана шундай такрорлардан бўлиб, Б.Маъруфий эълон қилган Улуғбек харитаси ҳақидаги хабарлар учинчи қўлда бутунлай бошқача кўриниш ва мазмун касб этган. Аммо 2006 йилнинг 27, 30 октябр, 1 ноябрдаги Интернет сайт хабарларини кузатиб эканмиз, улар орасида тагин Б.Маъруфийнинг Улуғбек харитаси ҳақидаги мақоласини учратдик. Бироқ бу мақолада Б.Маъруфий касбдоши Р.Хабиевнинг, юқоридида аслаганимиз, "журналистика қондиришига хилоф иш тутиб" ёлгон хабар тарқатганлигида айбламда эди. Б.Маъруфий тан олиб ёзишча, харитани қўлёзма манбадан Б.Маъруфий эмас, балки ЎзФА Шарқшунослик институти олимлари топишган ва бу ҳақдаги хабари 2006 йил августиди "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасининг муҳбири эълон қилган. Бу кашфиётдан хабар топган Самарқанд давлат музей-қўриқонаси бош директори Нўмон Махмудов эса, Регистон тарихий мажмуаси директори ўринбосари Б.Маъруфий Тошкентга бориб, харитадан нухса кўчириб келишни топширган. Шарқшунослик институти директори ва бошқа илмий ходимлар Б.Маъруфийга харитадан нухса олишга ёрдам берганлар.

Айтиб ўтиш лозимки, Б.Маъруфий бу мақолада ҳақиқатни тан олишга уринган бўлса-да, бироқ оддан тушса ҳам эгардан тушмай, Улуғбек харитасини қўлёзма асардан топган ва у ҳақида "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" да таҳлилий маълумот ҳавола этган каминан, яъни Исмоил Бекжон номини мутлақо тилга олмаган. Демак, Б.Маъруфий бу мақолада "Р.Хабиев мени кашфиётни юзага чикарган олимлар олдида ноқулай аҳволда қолдирди", дейишига қарамай, барибир, кашфиёт муаллифи ва унинг Улуғбек харитаси ҳақидаги газетга орқали чикдирган янги маълумотларини тилга олгиси келмайти. Яъни, мабодо, Рустам Хабиев ўз хабари маълумотларини Б.Маъруфий хабари бўйича, ўзидан янгилик қўшмай, эълон қилганида, балки, самарқандлик журналист ўзининг заҳмат чекмай, бирданга қўлёзмалар устида ишлаётган шарқшунослик олимга айлиб қолганини тан олган бўлармиди?

Хўш, у ҳолда Б.Маъруфийнинг воқеликни тан олишида нима сир бор ўзи? Бизнингча, Б.Маъруфийнинг жаҳлини чикарган, тўғрироғи, уни қаттиқ қўчигиб юборган жўд Б.Хабиевнинг Мутрибий тазкирасидаги Улуғбек харитасини эмас, балки унинг ўрнига қайсидир бошқа бир харита тасвирини бериб, бу харита XX асрнинг 20-йилларгача мадрасасида осилиб тургани, сўнг уни ўз ўрнидан олиб, Ўзбекистон Фанлар академияси архивига (бекитиб) ташлашгани, бундан фақат 2006 йили (қаранг-а, мамлакатимиз мустақиллиги эълон қилингандан 16 йил ўтиб — И.Б.) Б.Маъруфийгина хабардор бўлгани ҳамда архивда аллақандай ҳужжатларнинг (демак, тегишли ташкилотлар томонидан — И.Б.) тайёрланаётгани ҳақидаги тўқима фикрлари бўлган. Б.Маъруфий ўзини суяниб айтилаётган бу жумлалар қандай оқибатларга олиб келишини аниглаб, чала бўлса ҳам ҳақиқатни айтишга, Р.Хабиевни эса фактларни бузиб талқин этиш ва тухматчиликда айблашга тушган!

Хуллас, халқимизнинг "Пичоқни аввал ўзинга ур, оғримас, бироваг ур!", деган мақоли бекорга айтилганга экан. Б.Маъруфий ўзининг журналистика ахлоқиға хилоф, номақбул қилиғи билан бизни қанчалик ранжитганини касбдоши Р.Хабиевнинг унга нисбатан қилган ишидан кейин озгина эса-да сезган бўлса ажабмас.

Исмоил БЕКЖОН

“МУҲАББАТ САРОЙИДА
МАНГУ ҚОЛГАНЛАР”

Яқинда "Нихол" нашриётида чоп этилган рисолатнинг номи шундай. Муаллифи иқтидорли ижодкор Муҳтарам Улуғова. У муҳаббат, солаҳат саройида мангу қолган икки шоир Ҳамид Олимжон ва Зулфия ҳақида, уларнинг болалик, ўсмирлик, етуқлик даврлари, ҳаёт фалсафаси ва ички кечинмалари хусусида, қолаверса, инсоний феъл-атворлари тўғрисида самимий сўз юритади.

Мени ҳақдонга солган ҳолат ушбу рисолатнинг нашр этилигани эмас, балки унинг бичими, номланиши, айниқса, дизайни. Сабаби, босиқлик, вазминлик, инсон қалбиға қўлоқ тутат билиш ва ўзининг сокин руҳий ҳолати билан жунбишга келиб турган ҳар қандай дарлқаш сўхбатдошни ҳам ҳовуридан тушшира билиш салоҳияти ҳақида ўйла-



Доимий ҳамроҳ

фарзанди бўлганим учун ушбу китобнинг яратиллишига бевосита ва билвосита ҳисса қўшган инсонларга чўқур эҳтиромимни билдирмоқчиман, ҳолос.

Яъни инсоннинг шарофати у дунёдан ўтгандан кейин ҳам эгуқлик нурини таратаверар экан, ҳаққининг, фарзандларнинг бахтиға пойдевор бўлаверар экан. Бу тўғрисида бўлмағи мен улар қолдирганимда ажоним Зулфияхонимни эслайм.

У киши шундай фариштали зот эдилар. Ритсоланинг бичими, номланиши ва дизайни — уни кўришнинг ҳамано — шундай инсонлар руҳини киши ёлға солиди. Асар матни билан танишмасингиздақ қўчрамолларнинг феъл-атворлари сизнинг руҳингизға кўчаётгандек туюлади ва шу кайфият оғушида китоб билан таниша болайсиз.

Шоира Муҳтарам Улуғова рисолатда баён этган кўп воқеаларни архивлардан излаб, замондошлардан сўраб-суриштириб тўплаган эмас. Муаллиф ўз умрининг энг мазмунли оларини Зулфияхоним ёнида ўтказган. Шунинг учун ҳам асардаги ҳар битта сатр жонли, воқеалар теран баён этилган. Энг муҳими, шоирлар Ҳамид Олимжон ва Зулфия ҳаёти ва фаолиятиға оид, ҳали бирор манбада чоп этилмаган янги фактлар ўқувчи эътибориға етказилган.

Мен асарнинг мазмунини батафсил шарҳуламоқчи эмасман. Бинобарин, бу иш ҳар

Ҳумат ва эҳтиром ола
Олим ОЛИМЖОНОВ

“ҲАҲОН
АДАБИЁТИ”
2010 йил, сентябр
ойи сон

Ҳозирги замон олмон адабиёти ўзининг мумтоз санъаткорлари, айниқса, атоқли ёзувчилари билан жаҳонда кенг довур қозонган. Биргина Нобел мукофоти совриндори Томас Ман асарлари XX аср прозасининг дурдоналари саналади. Журналист мазкур сонда олмон адабиётидан бир гуруҳининг ҳикоялари эълон қилинган. Т.Ман, М.Крюгер, Э.Уздамар, М.Марон, Д.Дерри ва Б.Шпиннен ҳикояларини олмон ва рус тилларидан М.Ақбаров, З.Аълам, Э.Усмонов ва Т.Жўраев таржима қилишган.

Асли африкалик бўлиб, француз тилида ижод қилиб жаҳонда кенг эътибор қозонган лирик шоир Леопольд Седар Сенгор шерьияти билан ўзбек китобхонлари илк бор журналист ушбу сонда Мирпўлат Мирзо таржимасида берилган "Олдўлар жилмаяр арши аълода", деб

Журналларни варақлаганда

номланган туркуми орқали танишадилар. Шерьият муаллислари бетакрор шоир Шавкат Раҳмоннинг испан адабиётидан қилган таржималаридан яъни хабардор. "Шерьият минтақалари" рўкнида Ш.Раҳмоннинг Федерико Гарсиа Лорка ижоди-дан қилган таржималари босилган.

Шунингдек, журналнинг олдинги сонларида эълон қилинган Пауло Козьольининг "Иблис ва Прим хоним", Э.Бўльвер-Литоннинг "Помпеевнинг сўнги кунлари" романларининг давомий ҳам ушбу сонда берилган.

Адабиётшунослик олимлардан Навим Каримовнинг "Худойберган Девон" бадиъида биринчи ўзбек фотографи ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида сўз юритилган, Ортиқбой Абдуллаевнинг "Турон тарихидан лавҳалар" мақоласида Носир



Муҳаммаднинг "Турон. Йилнома" (2010) рисолати таҳлил ва талқин этилади. Жаъфар Холмуҳоминнинг "Жалолоддин Румий ва гар адабиёти" тадқиқоти, Александр Невееровнинг "Инглиз настри: янги нафас" сарлавҳали сўхбати (таржимани М.Мирзо, Михаил Тарановнинг "Тирик сайёра" мақоласи (М.Усмонова таржимаси) гарб ва шарқ адабиётларининг ўзаро алоқалари, бунгунги адабий ҳараён, инсон ва табиат муносабатлариға доир долзарб масалаларға бағишланган.

Саргузашт ишкисболари эътибориға машҳур адиб В.Янининг "Осиёнинг мавий сарҳадлари" номли сарфаномасидан (А.Комил таржимаси) парчалар ҳавола этилган. Ш.Отабек таржимасидан машҳурлар ҳаётини сангалар ҳам қизиқарли воқеаларға бой.

“ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ”
2010 йил, 4-сон

Журналнинг ушбу сониди адабиётшуносликнинг муҳим масалаларига бағишланган бир туркум мақолалар эълон қилинган. Жумладан, Бахтиёр Назаровнинг "Эътиқод ва эътироф" мақоласида устоз адабиётшунослардан бири Л.П.Қаюмовнинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида сўз юритилган. Улуғбек Ҳамдам ўтган асрнинг 60-йиллардан кейинги давр ўзбек лирикасида ижтимоий мазмун масаласини тадиқ этди. Муҳаммадjon Холбековнинг тадиқотида таржима назариясининг лингвистик тамойиллари ёритилиши, Исломжон Ёқубов атоқли адиб Одиб Ёқубов ижодида шахс ва жамият муносабатларини мавзусини қаламга олади.

"Тилишунослик" рўкни остида Абдуҳамид Нурмоновнинг "Шакл ва мазмун му-

носабати — лингвистик тадиқотлар асоси", Равшан Жомоновнинг "Ўзлашган сўзлар илмостига доир" ва Абдулқадир Муҳаммадjonнинг "Бегор" атамасининг семантикаси" тадиқотлари берилган.

Ушбу сондан жой олган илмий ахборотлар мавзу нуқтан назарда турли-туман. Хусусан, "Навоийнинг назди газалларининг ўзига хос жиҳатлари" (З.Ғафурова), "Улуғбек ва Фалакий Шероний" (А.Абдуллаев), "Лирик ибтидо ва эпик майдон уйғулиғи" (О.Дуйсенбоев), "Хумононома" таржималарининг қиёсий таҳлили (Н.Урмонова) сингари ўнлаб жажжи тадиқотлар мумтоз ва замонавий адабиётимизнинг, тилишуносликнинг актуал масалаларини ёритишча бағишланган.

Шунингдек, ушбу сонда Э.Очловнинг "Махмутиқ шерьиятининг янги таржимаси" мақоласи, "Мерос" рўкнида берилган Фойнининг "Аян ул-ҳаёт" (форсийдан Ж.Камол таржимаси) ва "Қутлуғ билиг" асарининг илмий-танқидий матни билан танишасиз.



“ДЕВОН”
ТАЛҚИНЛАРИ

туркий тиллар фонетикаси, лексикаси ва морфологиясини синчковлик билан ўрганиб чикқан. Ж.Худойбердиевнинг фикрича, луғат бўлимида туркий халқлар ҳаётининг турфа соҳаларига оид сўзлар изоҳланган.

"Девон"да келтирилган сўзлар гуруҳини ўрганиб, ўша даврда туркий тиллар луғат жиҳатдан жуда бой бўлганлиги ҳақида тўхтамга келиш мумкин.

Рисолада "Девону луғотит турк"нинг мустақил асар сифатида тан олиниши ва унинг нашр этилиши билан боғлиқ муаммолар, гоят қизиқарли маълумотлар илмий асослаб берилган. "Девону луғотит турк"нинг таржималари бўлимида дастлаб асарнинг ўн тилга таржима этилгани баён

қилинади ҳамда "Девон"нинг таржима этилган тиллардаги йўл қўйилган айрим камчиликлар ҳақида изоҳ бериб ўтилади.

"Девон"нинг ўзбекча таржимаси ҳақида гап кетганда, ўзбек олимларининг бу асар устида жуда кўплаб самарали тадиқотлар олиб борганлари, айниқса, асарнинг муҳаммал таржимасиға эришганларини билиш мумкин. Бундан олимлар С.Му-талибов ва Ф.Абдурахмоновнинг хизматлари катта эканлиги алоҳида таъкидланади. Муаллиф, шунингдек, асарнинг русча, озарбайжонча, уй-

ғурча, форсча, инглизча, немисча, қозоқча, хитойча таржималари хусусида ҳам батафсил тўхталган.

Рисоланинг "Девону луғотит турк"нинг ўрганилиши бўлимида муаллифининг "Девон" бўйича тадиқот олиб борган олимларнинг деярли барчаси ҳақида маълумот тўплаганиға гувоҳ бўламиз.

К.Брокелманн, Ф.Кўпрулизода, В.В.Бартольд, С.Е.Ма-лово, К.К.Юдахин, Э.А.Шмит, Ж.Валидов, Т.А.Барокова, Ҳ.Ҳасанов каби олимларнинг ишлари батафсил, илмий асосда, изчиллик билан ёритилган. А.Фитратнинг бу борадаги тадиқотларига алоҳида эътибор қаратиб, Ж.Худойбердиев шундай ёзади: "Ўзбек адабиёти намуналарини олмон мажмуасида "Девон"даги шерьий парчалардан намуна келтириб, уларни хозирги ўзбек тилиға уйғунаштирган, тушуни-

лиши қийин бўлган сўзларға изоҳ берган".

Рисоланинг иккинчи қисми — библиография бўлими "Девону луғотит турк"нинг ўрганилишида муҳим аҳамиятга эга. Бўлимида ўзбек, рус, турк, озарбайжон, уйғур, қозоқ, кирғиз, инглиз, немис тилларида чоп этилган китоб, монография ва мақолалар рўйхати берилган. Аҳамиятли жиҳати шундаки, журнал ва газеталарда чоп этилган мақолалар ҳам библиографияда жалланган. Библиографиядан "Девону луғотит турк" бўйича тадиқот олиб борувчи олимлар ҳамда ёш тадиқотчилар қимматли маълумотларға эга бўлишлари мумкин.

Умуман, олим Жўра Худойбердиевнинг "Махмуд Кошгарий ҳаёти ва "Девону луғотит турк" асарининг ўрганилиши" номли рисоласи қимматли маълумотларни ўзида жаллаган муҳим манба ҳисобланади.

Рўхсора ТўЛБОЕВА,
ЎЗМУ аспиранти

Нилуфар УМАРОВА

АЙ, СЕН БУНЧА НАВҚИРОНСАН, ДИЛ!



УЙФОНИШ

Жўшқин қўшиқ, нурли ишқ қайдан, Нечун ўгли тўлғонади гул. Ай, сен бунча қадимсан, Чинор! Ай, сен бунча навқиронсан, Дил!

Кеча — ўтмиш, бутун — ҳаётни Қариқчида ўлчаб асрлар, Шивирлайди қулар баётин Тупроқларнинг остидан сирлар.

Тарих турар мисли зар китоб Келажакнинг қўлчаларида. Умр оқар йўлга қўшилди, Гавжум шаҳар қўчаларида.

Уйғонаман тонг бўлиб энди, Оқ рангларни ҳаводан узиб, Кўзларимнинг саҳифасига Минорларнинг расминини чизиб.

Вазмин қўшиқ, сокин ишқ қайдан, Нечун сирли тебранади гул. Ай, сен бунча қадимсан, Ҳаёт! Ай, сен бунча навқиронсан, Дил!

ТОНГДА

Гулбарларда дурдек яттирар шабнам, Нозлаиб уйғонар уйқудаги гул. Бир-бирин қитқилаб ўйнар майсалар, Узун ёнбошлайди ёлғизоёқ йўл.

Кўёшнинг ташрифин кутиб ётади, Ҳеч кимга сир бермас жуда ўйчан у. Йўлнинг четига баҳайбат дарахт Ишга кузатади бутун қўчани.

НУРЛАР ТАБАССУМИ

Офтоб нурсиз нигоҳин сузар, Кўз кезинар фаромушотир. Хув олисда кенгликни чорлаб Баланд тоғлар тиккан оқ чодир.

Беллари увишган қўчани Уқалайди оёқлар изи. Чорланмаган меҳмон эрур Вақт, Маънос тортиб ичккан кўзи.

Алдашни ҳеч истамаса-да, Жулмасин-а энди дардларинг. Жилмаяр Кўз — шохда порлаган Муздек нурлар табассумидан.

ЁМФИРЛИ КУН

Ўзи учун йиғламас бутун, Биров дардин қўтармоқ оғир. Осмон тўқар ўзга ҳасратини, Ва ўзига ўхшамас ёмғир.

Ёрилгин-а, ёрилгин, булут, Қўлмасин-а энди дардларинг. Қучоғингни кенг оч, она ер, Ёмирлар ҳам бир фарзандларинг.

Зериктирмас узоқ суҳбатлар, Ўз кўнглига яқинлашар ул.



Сирлашув...

Билдур томчиларнинг шарафи — Гунча очиб улгаймоқда гул.

Йўл четига дарахтлар саф-саф, Ёмирларга уйғун сезилар. Қаламларни кузатавериб, Лойқалана тиниқ кўзгулар.

ҚАДРДОН ЙЎЛ

Бу йўл эргаштириб юради мени, Онадек ўзига яқин олади. Бағридан юлқиниб кетсам узоққа, Қўлин паҳса қилиб қараб қолади.

Бу йўл — дарахтларни эл қилиб олган, Кўк ялғизлар билан қўшни тутиниб. Тунлари анҳорга термулиб ётар, Ойнинг висолини сўраб, ўтиниб.

Бу йўл адаштирмас маънисидан ҳеч, Армуцу дардлар ҳам менга дилсиздек. Борса гумон сари кетсам майлига, Фақат учрамаса бўлди йўлсизлик.

Бир туп райхон маъносига тебранади... Райхонгинам, туринингдан ўргилайин, Сабо билан сўйлашасан майин-майин. Дайди елга дил очмагин, бевафодир — Сирларингни айтиб кўяр ул бетайин.

Сирдошим деб, қизлар бандинг узини, Сўнг қулоққа тақиб, ҳийла тузишади. Йингитларга асли сенинг аtring ёқар, Қизлар сен-ла нозлаиб, кўз сузишади.

Ҳаммадан кўп қизганиман мен ўзингни — Туптулингни, гултожингни, гул юзингни. Барларингдан ажиб ифтор таралганда Маст бўлман ҳидлаб-ҳидлаб хуш исингни.

Кўзларимга тўтиёсан, гиёҳгинам, Нетай, ҳоли забун, дили сиёҳ мен ҳам. Қизларни-да, еллари-да кўйини, ўзим Сенга сирдош бўлай, ранги сиёҳгинам.

...Бир туп райхон маъносига тебранади.

Эргаш ИБРОҲИМОВ

БУ ДУНЁ ИШҚ БИЛАН ГЎЗАЛ, САФОЛИ



Шахло кўзинг кўнгли кўзгуси, Унга боқиб, таскин тошар жон. Мужгон отса жўшиб кетгуси Етмиш икки томиримда қон. Қорачинг ўзи бир газал, Жоним, кўзинг шунчалар гўзал.

Роз айтмоққа очсанг дулоғинг, Бол тўқилар лаъли лабидинг. Дув қизарар икки ёноғинг "Севаман" деб айтганларингдан. Дудоғингни ё тилинг асал, Жоним, сўзинг шунчалар гўзал.

Ой жамол нур, шуъла сочгуси, Чегараси жингала коқил. Найза кичрик кўзлар соқчиси, О, бу хилқат хурларга дохил. Паричеҳра абдул азал, Жоним, юзинг шунчалар гўзал.

Кўз ўйнатиб сочинг тўлғонар, Қадли-бастинг сарви, санобар. Сен деб умрим ўздан тонар, Кўзинг, сўзинг, юзингни лобар. Сендан тойдим севгини тугал, Жоним, ўзинг шунчалар гўзал!

КЕЛИНГ, ЁР...

Нигоҳлар тўқнашиб, хайрон эдилар, Баргиз ноинишб, паймон эдилар. Ойдин тун қўйинда пок ишқимизга Ой билан мажнунтол гувоҳ ўдилар.

Сўнгра сиз кетдингиз, ваъдалар қолди, Баргиз мажнунтолда новдалар қолди. Кун ўтар, ой ўтар йўлингиз пойлаб, Сиз суёб, суйдирган кўзларим толди.

Келинг, ёр, ваъдалар ёлгон бўлмасин, Кўнгилар қумридек нолон қилмасин.

Муҳаббат боғида ниш урган чечак Гулласин, бемаҳал хазон бўлмасин.

Ё дарё кўрмасдан этик ечдикми, Севги деб ҳавасинг майин ичдикми? "Севаман" демоқлик илоҳий паймон, Бу аҳдан шунчалар осон кечдикми?

Келингиз, гафлатда қолсин ганимлар, Бағри қорақуя, тили ҳалимлар. Вафоли ёр бўлай бир ўзингизга, Кўйсин қоработир, кўйсин золимлар.

Келсангиз, тўрт фасл баҳор бўлғайдир, Шубҳаю гумонлар бекор бўлғайдир. Умримиз орзуга, бахтга йўрилғай, Айтгар қўшигимиз аёл бўлғайдир.

Аллоҳ суйганига туҳфа улашар, Сийловига аҳду вафо ярашар. Бу дунё ишқ билан гўзал, сафоли, Ўзи ошиқларни қўлар, қарашар.

Келинг, ёр... Келинг, ёр...

Камол тегирмончи машинага деб жамгарган пулини белига боғлади-да, доим сочини устара билан қирдириб юрадиган тақир бошига ўн йиллик қулоқчинли малла телпагини бостириб, эгнига эски чарм курткасини кийди ва отини миниб қўшни қишлоққа йўл олди.

...У анчадан бери дўсти Сафаралининг «Волга»сини кўз остига олиб юрар, пайт пойлаб сотиб олишни режалаштирганди. Янги-сига пули озроқ. Она-бола Сигирларидан бирортасини сотишга кўзи қиймайди. Кўйларини ҳам кўзилабмай сотмайди. Шунинг учун машина мишини ёзга қолдирган. Энди эса... Омад келаман деса оёқ остидан чиқиб келавараркан...

Кеча Сафарали келди. Кўриниши ҳорғин. У қорамғиш, новча, қўллари узун, камтап киши. Эгнида доим бир хил кийим. Кишин-езин қора костюм-шимини ташламайди. Каттқ совуқ кунларига на оқ курткасини эгнига илади. У билан туман марказидаги ошхонада танишганди. Бир столда ўтириб қолиб, гаплари ҳам соз келди, шекилли, тезда ошно тутишиб, кайфлари ошғач, битта суккини навбат билан кемириб «илик тишлашган елкадош қадрдон бўлди» дейишиб, борди-келдини ҳам бошлаб юборишганди. Шу пайтгача ҳаммаси рисоладагидек эдию, Сафаралининг шу келгани сабаб бўлиб...

Камол хайрон. Нима гап экан. Бир пилладан чой ичишгач Сафарали муддаога ўтди. — Дўстим, бошимга иш тушиб қолди.

— Тинчликми? — Магазидан камомад чиқди... — Тўшунмадим? Ишингга пухта эдинг-ку? — Яқинда ҳисоб-китоб қилганимда ортиги билан чиққанди. Шовиб қолиб, тўриллаб қўй деб, сўнги келган юкни қарзга тарқатибман. Кеча текширув босиб миси чиқди. Узи қандайдир англашмовчилик борлиги аниқ эди-я. Мен аҳмоқ...

Камолга янча мол жўнатган, «Пулини қанчон бўлсам берарсан-да! Сенда ҳисоб китоб кетмас...», деганди ўшанда.

— Энди одамлардан пулини йиғаялман. Бировда бор, бировда йўқ... Сен дўстимсан... Тўшунсан, деб тўсти келавердим, — дея хўрсинди Сафарали...

— Ха-ха, яхши, яхши!... Уша кун ошанасини кузата туриб, унинг яп-янги тўқ қизил «Волга»-сига ҳаваси келиб, ўзининг ҳалиям чўшиб ота юрганга жиндек оғринди. Дўсти магазинчи бўлишдан олдин чўбир отиям йўқ эди. Магазинчи бўлди-ю, машина олди. Уинни қўшқават қилиб кўтаряпти... Бу бўлса, шунча молдуниси бўла туриб, халигача битта машинага етолгани йўқ.

— Шунча гаплар, дўстим. Пул керак бўлиб қолди. — А-а, нима дединг? — Пул бериб тур даялман. Тезда қайтараман... — Пул. Анча-мунча пул бўлма-

са керак? Менда унча пул... Хавлига унинг машинаси келди. Эга чиқишинг пайти етганга ўхшайди...

— Пулим йўқ эмасди-ю, машина олмоқчи эдим. Шунга... — Тезда қайтараман. Шунча пайтда ёрдам берсанг, ёмон бўлмасди.

— Майлику-я, ўғлим бир машинани гаплашиб қўйган экан. Миниб келиб турса, нима деган одам бўлман, — толган баҳонаси ўзига маъқул келганидан юзидан кулгу жилва қилди. Лекин сездириб қўймастик учун дарҳол хиддийлашди.

— Яхши. Унда мен борақолай. Бошқа бировдан толарман... Сафарали гапмин кўзгалди. Камол тегирмончи машинадан ажиралаётгандай шовиб қолди. Юзини қалин қилганча муддаога ўтди-қўйди.

— Шу... Шу машинангни сотиб қўяқол! Ўғлимни ҳам бир амаллаб қўндирарман.

Сафарали ялт этиб унга қаради. Камол тегирмончи кўзларини олиб қочди.

— Ўйлашиб кўрамыз. Майли... Хар этишмолга қарши эртага пулингни олиб боравер. Тополмас сотаман.

Сафарали машинасига ўтириб, зарда билан ўт олдириди.

«Сотмай қаёққа ҳам борардинг. Шу пайтда сенга ким бунча пул берарди. Ота боласига ишонмай-дию хозир». Камол тегирмончи шу тахлит фаразли хаёллар билан қип-қизил машина орқасидан қараб қолди...

Қора қиш. Тун билан тизза бўйи қор ёғиб чиққан, эрталабга яқин тинганди. Камол чўбирини бир маромда йўрттириб борарди. У икки қишлоқ ўртасидаги якка булоқ чиққан жойда яшайди. Булоқдан бир ариқ сув оқди. Пастроқда катта жарлик бор. Кичкинагина дарада бу қадр катта жарлик бўлишини кўпчилик ақлига сиғдиролмайди. Илгари одамлар бекорга бу жойга уй қуришдан қочибмаган — хосиятсиз жой. Номиям кўрқинчи — Осилмажар. Икки қишлоқ ҳам бир хилда унинг уйидан олис. Бу жойни Яккабулоқ ҳам дейишади. Яккабулоқ дейишса у жойнинг қаердалигини, ким яшашини дарҳол тушунишади...

Камол тегирмончи укаси уйлангандан сўнг бу жойда отасининг қаршилигига қарамай уй кўтарди. Тегирмон кўрди. Иккала қишлоқда ҳам хали электр тегирмон йўқ эди. Одамлар ёғилиб кела бошлади. Отаси фақат битта она-бола сизир берганди. Кези келганда тегирмон қаҳидан оз-оз урди. Қумлоқ, тақир бўлиб ётган жойларга қартошқа эҳди. Биринчи бор ишлов берилётган жой эмасми ҳосил мўл бўлди. Мол-хонли кўпайтирди...

Сафаралининг қишлоғигача ўн беш чақирим, қиш пайтлари жон зоти юрмайдиган катта-кичик жарликлардан иборат дара — Қорғоликдан ўтиши керак. Йўлга тушишдан олдин бироз иккиланди. Бундай пайтда жондор ҳам бўлиши табиий. Лекин қип-қизил

машина кўз олдига келдию юрагидоғи ҳадик йўқолди... Қорғоликдан ўтиб, отнинг туёғи нишаб жойларда тойиб, Сафаралининг уйига кириб борганда яна майдалаб қор ёға бошлаган, изгирин совуқ авжига чиқиб, кеч тушганди.

— Кел, — дея тўнгилаб, ўтирган жойида қўлини узатди Сафарали, — машинани сотмайдиган бўлдим. Пул топила қолди. Дунёда яхши одамлар кўп экан...

Ортиқ гапирмай ишига берилди. Бу Камол тегирмончининг жон-жонидан ўтиб кетди. Келдин...

гми-ям демади-я. Қадрини бир пул қилди. Номадр, пасткаш. Жир битиб қолган-да.

Тегирмончининг мушти тургилиб, кўзлари қинидан чиққудай чақчайди.

— Шунчакими? — Хақиқий дўст шундай пайтда билинаркан. Ха, майли, қўй. Бугун ётиб кета қол. Харқалай қорнинг ҳам очғандир. Хозир хотин бир нима қилар...



Салим АБДУРАХМОНОВ

— Овқатингни ўзинг пишириб е. Одамларчиликдан чиқиб кетиб-сан. Бойибсан-да, а?...

— Энди саломга қараб алик-да, «одамгарчилиги бор одам». Халиги молларнинг пулини ташлаб беркесаң яхши бўларди...

— Уйда чириб ётибди. Борсанг олиб келарсан. Сен билан тортишгандан кўра... — Тегирмончи шовиб ташқарилади. Яқкамизга боғланган отнинг устидаги қорни қамчи билан уриб қоқиб туширди-да, сақраб мениб, қамчи босди. От ўзини қоронғулдиқа урди.

— Адашиб, бу совуқда ўлиб-нетиб қолма... «Ошнасининг аччиқ кинояси эшитилди отидан. Жавоб қайтармай, тишини-тишига босиб, отига яна кетма-кет қамчи урди... Елғизоёқ сўмоқ йўлдан қайтмоқдан. Келган изини қор кўмиб юборган. Бунинг устига кучли шамол қорни бир жойдан иккинчи жойга кўчириб ётибди. Жарликлар тўлиб, ҳамма жой текисликдай бўлди. Қаер чўкур, қаер нишаб бил-лал бўлмайди. Совуқ изиллайди. Шамол увиллайди. Зим-зиё тун. Фақат оппоқ қор озгина ёруғлик бериб турибди. Отини таваққал олдинга йўрттиради. От гуртикка

ботади. Кўкси билан ёриб чиқади. Базван сирганида. Яна олдинга интилади.

Бирок, қишлоқдан дарак йўқ. От безовта кишаб тўхтаб қолди. Камол жаҳл билан отини ниқтади. От олдинги оёқларини бир қадам ташлади-ю, мункиб, пастга қулади.

Камол тегирмончи эгардан учиб, қорга кўмилиб кетди. Жон ваҳмида ўзини ўнглаб, юзага чиқди-да, атрофга аланглади. Қараса, оти амаллаб чўпчи-чўпчи жарликдан чиқиб, эгасига ҳам қарамай кўздан йўқолди. Аллайқадан бўяқ кишагани эшитилди. Бу совуқда, мана шу жарликда ўлиб кетмаса гўргайди. Кўзлари пирпирлайди. Совуқдан қотиб қолган оёқлари увишади. Харақатсиз бўлиб қолган қўллари билан уларни уқалайди. Кўкариб кетган оёқлар ҳеч нимани сезмайди...

Кайдадир бўри увлади. Тегирмончи сергак тортиди. Жон ширин, тиришиб-тирмашиб, жарликдан чиқди. Олдинга қадам ташлади. Тойиб иккилди. Яна турди. Кўзларини каттароқ

оқмоқчи бўлди. Муз қотиб қолган кинриқлар, бунга йўл қўймади. Аста-секин юра бошлади. Узокдан қоронғу кўзга ташланди. Юрагида бутулай сўниб бўлган яшас хисси, қайта уйғонди. Бейихтиёр қадамлари тезлашди. Олдиндан гулпилаб ураётган қор бунга йўл қўймади. Яна тойиб йиқилди. Кейин эмақлади. Милтиллаб турган чирқоқа яқин келиб қолган бўлса-да етиб бўлмайдиган манзил каби туюлди...

Қотиб қолган бармоқлари қорни тирнаб олдинга интилади. Бармоқлари совуқни хис қилмай қўйди. Шу вақт яқин-қинида ит худди ва унга югурди. Камол бундан қўрқмади. Аксинча хурсанд бўлди...

Кўзини оҳганида нимагадир чирмаб, ўраб ташланганини сезди. Кигиз. Бадағна иссиқ югурган, боши айланади. Теласида кимингидир меҳрли овози узоклардан эшитилгандай бўлди: «Аллоҳга шўкур-э. Ўзига келди».

Печнинг ёнида узала тушиб ётганидан хижолат тортиб, кимирламоқчи бўлди.

— Безовта бўлманг, — деди ўша меҳрибон овоз. — Ўзингизга кет-

оқмоқчи бўлди. Муз қотиб қолган кинриқлар, бунга йўл қўймади. Аста-секин юра бошлади. Узокдан қоронғу кўзга ташланди. Юрагида бутулай сўниб бўлган яшас хисси, қайта уйғонди. Бейихтиёр қадамлари тезлашди. Олдиндан гулпилаб ураётган қор бунга йўл қўймади. Яна тойиб йиқилди. Кейин эмақлади. Милтиллаб турган чирқоқа яқин келиб қолган бўлса-да етиб бўлмайдиган манзил каби туюлди...

Қотиб қолган бармоқлари қорни тирнаб олдинга интилади. Бармоқлари совуқни хис қилмай қўйди. Шу вақт яқин-қинида ит худди ва унга югурди. Камол бундан қўрқмади. Аксинча хурсанд бўлди...

Кўзини оҳганида нимагадир чирмаб, ўраб ташланганини сезди. Кигиз. Бадағна иссиқ югурган, боши айланади. Теласида кимингидир меҳрли овози узоклардан эшитилгандай бўлди: «Аллоҳга шўкур-э. Ўзига келди».

Печнинг ёнида узала тушиб ётганидан хижолат тортиб, кимирламоқчи бўлди.

— Безовта бўлманг, — деди ўша меҳрибон овоз. — Ўзингизга кет-



Уни кизгидан бўшатилди. Ювилиб, дазмолланган кийимларини ташлаб қўйилган тоқадан олиб узатишди. Кийиниб, кўрпачага ўтирди. Ёнида гувиллаб ёнаётган печнинг иссиғи елкасини қўйдирман дейди. Шундай эса-да у жойидан қимирлашни истамасди.

Иссиқ қот ичишгач, секин мезбондан сўради.

— Қаердаман? Сизни та-танимай турибман?

— ИсмиМ Мўмин. Бу жой Зулмонота қишлоғи. Адашиб қолдингизми дейман, меҳмон?

Тегирмончи уйга толди. Ҳали шу жойдан қишлоққа ўтгандим-ку. Адашиб яна орқамга қайтибман-да.

— Қорғоликда йўлни йўқотиб, яна изимга қайтибман. Ён қишлоқданман. Сизларни ҳам овоза қилиб қўйдим.

Мўмин ака мўйловини бураб, уйланиб қолди ва:

— Сиз гапиратган гаплар бундан юз йиллар олдин ҳам бўлган, бундан кейин ҳам бўлади. Оқибатини инсон аввало ўздан кидириши керак. Кимгадир таънасиз яхшилик қилсанг, у хар қандай тубан одам бўлса-да кўнглида хижиллик уйғонади. Виждонини сал бўлса-да қийналади. Э, меҳмон, аслида одамзоднинг ёмони йўқ. Унга зулукдад йишган иллат ёмон. Агар иллатдан тозаланса...

Мўмин ака гапларини чертиб-чертиб гапирар, фикрлари тиник, равшан эди. Камол тегирмончи уйланиб қолди. Ичдан ўтганини ўзи биларди. Аввало, ўз манфаати бўлса, Сафаралининг оғирини енгди қилмади. Энди бўлса уни оқибатсизга чиқариб ўтирибди...

Юрагини нимадир тирнаб ўтгандай бўлди.

Уни тушдан сўнг марказга кетаяркан қўшининг «Нива»сига, харқалай яқин бўлади деб, солиб юборишди. Камол ўзини ўлимдан асраб қолган меҳрибон одамларга қайта-қайта раҳмат айтиб, уй

олдида унчалик катта бўлмаган, узун думини силкитиб турган олапарнинг кўзида қандайдир маънони кўриб, нигоҳини олиб қочганча машинага ўтирди...

Уйига кириб келганида қоронғу тушиб қолганди. Қўбир отининг бир ахволда тушиб, ёлғиз кириб келганидан қўркувга тушган ўғиллар йўлга отланиб туришган экан, уни қуришиб «хайрият!» дегандай энгил тортишди. Қор гоҳ майдалаб ёғар, гоҳ йиркилашар, сира тухтай демастди. Изгирин ҳам тезлашди. Ҳалиям тунги халоскори — Мўмин ака қўрда қўймай яп-янги палтосини қийдириб юборган, «инсон қадрни хар нарсадан устун, меҳмон, соглигингиз керак», деганди. У ич-ичидан Сафаралини сўқиб, гўрига йишт қалади...

Кийимларини ечаётганда, не кўз билан кўрсинки, белбоғи йўқ. Наҳот шу пайтгача хаёлига келмабди. Мўмин аканинг меҳрибонликлари бежиз эмас экан-да. Ширин сўзлар. Яп-янги палто. Мен довдирни аҳмоқ қилибди-да. Оғзим қулоғимда келаверибман. Бунча пулни кўрданган кейин албатта шовиб қолади-да. Хозироқ бориб...

Кайта кийиниб, ташқарига чиқди-ю иккиланиб қолди. Шамол кучайиб, бўронга айланган, кўз очиргани қўймастди. Кенгагиси бунинг олдида ҳеч гапмас...

Уйга қайтиб кирди. Бетоқатланги ухлай олмади. Уни ўлимдан олиб қолган одам кўзига Хизр бодай кўринган бўлса, энди унга дахшатли киссавердай намоён бўла бошлади. Ич-ичидан сўқди. «Инсон қадрига етмай ул. Эртага қандай бўлмасин бораман. Тонса, милисага бераман».

— Отаси, нега безовтасиз, — хотини қўрқа-писа сўради. — Балога!

Хотини ортқ савол беришдан чўчиди...

Бир вақт уйку аралаш кимингидир чинқиргани эшитилгандай бўлди. Бўрон бунча кўрқинчи увилламоса... Эйтибор бермади. Яна ўша овозни эшитди. Қандайдир ит безовта хурди.

— Отаси, туринг, кимдир чақиргандай бўлапти!

— Лазнати, уйкуям харом бўлди.

Ташқарига чиқди. Кучли шамол қорларни учуриб юз-кўзларига урди. Қор ёғганими ё ердағларини шамол хар тарафга учуриб уйнаётганими, билиб бўлмади. Тинчликка ўхшайди. Фақат бог тарафдаги жарликда бир ит тинимсиз хурди. «Дайди итлардан бўлса керак»...

МУМТОЗ НАВОЛАР СЕҲРИ

Мустақиллик шарофати билан миллий мумтоз санъатимиз ва ўзбек халқ куй-қўшиқлари ҳам дунёга кенг таралди. Довруқ таратди. Бугун нафақат тажрибали санъаткорлар, балки ёшлар орасида ҳам мумтоз ашулаларни маромига етказиб ижро этувчилар кўпайиб бормоқда. Ана шу жарафнда фаол қатнашиб, ўзбек мумтоз мусикаси, ашула санъатининг ноёб дурдоналарини дунё халқлари ўртасида кенг тарғиб этиб келадиган Ўзбекистон халқ артисти, консерватория профессори Муножот Йўлчиева билан суҳбатимиз мусиқа санъатида мумтоз ашулаларнинг ўрни, уни ўрганиш ва асраш масалалари хусусида борди.

Муножот опа, халқимиз сизни мумтоз ашулаларнинг моҳир ижрочиси сифатида бениҳоя қадрлайди. Дунё кўрган тажрибали санъаткор сифатида мумтоз санъатимизга жаҳон миқёсидаги бу қадар катта қизиқиш ва эътиборни қандай изоҳлайсиз?

— Ижодий фаолиятимни саксонинчи йилларда бошлаган бўлсам, чет элларда мумтоз санъатимизга бугунгидек қизиқишни кўрмаганман. Зеро, мустақиллик бизга ижодимизни кенг намоён қилиш имконини берди. Ана шу имконият тўғрисида дунёнинг жуда кўп мамлакатларида бўлиб, миллий санъатимизга қизиқиш ва эътиборни ўз кўзларим билан кўряпман. Франция дунёда маданият ўчоғи сифатида эътибор этилади. Агар шу ердаги муҳлисига санъатимизни маъқул бўлишига эришолсангиз, бошқалар ҳам тана олди. Франциялик муҳлислар аллақачон ўзбек миллий ашулаларига юксак баҳо беришган.

Устоз ва шоғирдлар

Юртимизда бу соҳа ривожига давлатимиз томонидан катта эътибор берилляпти. Мусиқий мактаблар, коллеж ва лицейлардан тортиб, санъат олий ўқув юртиларигача — ҳаммасида аънанавий ижрочиларни бўлимли равишда оқитган. Бу бўлимда тахсил олишни хоҳловчилар сони йилдан йилга кўпайяпти. Ёшларимизнинг мумтоз санъатимизга қизиқиши тобора ортаётгани турли фестиваллар, кўрик-танловлар, тадбирлар, мусиқий кечалардан ҳам аққол кўришни тўрибди.

Узоққа бормай, сўнгги йиллардаги “Нихол” мукофоти совриндорлари сифатида бир назар ташланг. Аскарятни аънавий ижро вакиллари. Юртобшамизнинг шундай сўзлари бор: “Агар биз Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этмоқчи, унинг қадимий тарихи ва ёруғ келажagini улуғламоқчи, уни авлодлар ҳовитрасида боқий сақламоқчи бўлсак, аваламбор буюк ёзувчиларни, буюк шоирларни, буюк ижодкорларни тарбиялашимиз керак”. Бу ўринда устоз-мураббийлар зиммасига катта вазифа юкляпти. Бизнинг асосий вазифамиз — ёшларни мумтоз санъатга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялаш. Консерваторияда ҳам талабаларга мумтоз мусиқамизни ўргатиш кенг йўлга қўйилган. Мумтоз санъатимиз матбуот, радио ва телевидениеда янада кенг тарғиб қилинса, ўлайманки, биз олдимизга қўйган мақсадимизга эришамиз.

— **Устозларнинг ҳақида, устоз-шоғирд аънанавий ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.**

— Устозим — Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, бастакор Шавкат Мирзаев. Қарийб 32 йилдан бери ижодий ҳамкорлик қилиб келаман. Мумтоз санъатимизнинг илк намуналарини шу санъаткордан ўрганганман. Ҳозир ҳам устоз концерт дастурларини тузиш жараёнида яқиндан ёрдам беради.

Устоз-шоғирдлик узлуksиз ижодий ҳамкорлик демократ. Устоз шоғирдига доимо тўғри йўналиш кўрсатиши, маслаҳатлари билан ёрдам бериши лозим. Ўзи устозларидан ўрганган сабақлари шоғирдларига ўргата билиши зарур. Агар устоз-шоғирдлик аънанаси давом эттирилмаса, яъни мунтазамлик касб этмаса, ижодда юқори чўққиларга эришиб бўлмайди.

Ҳозир Ўзбекистон давлат консерваториясининг “Шарқ мусикаси” бўлимида талабаларга мақом сирларини ўргатиб келяпман. Шоғирдларим жуда кўп. Улар орасида Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибаси Мамлакат Улашова (ҳозир Ю.Ражабий номидаги мусиқий билим юртида дарс беради), “Нихол” мукофоти совриндори Гулмира Абдулаҳатова (консерватория 4-босқич талабаси) ва бошқа кўплаб истеъоддорлар мақом сирларини астойдил ўрганишмоқда. Шу билан бирга юртимизда яшайётган бошқа миллат вакиллари ҳам мумтоз санъатимизга қизиқиши ортиб бормоқда. Улар билан ҳам машғул олиб бораман.

— **Бугун эстрада ижрочилари ҳам мумтоз ашулаларимизни ўрганиб, янгича талқинда ижро этишмоқда. Бу борадаги фикрингиз қандай?**

— Янгича талқинда муваффақиятли қўйлаётганлар йўқ эмас. Лекин аскарят ёшларимизда бу борада малага ва маҳорат этишмайди. Авваламбор бирон ашулани ижро этишдан олдин унинг матнига, талаффузига катта эътибор бериш лозим. Мақом ашуласини ижро этишда унинг асл қўшиқсини йўқотмай, қонун-қоидаларига риоя қилган ҳолда ижро этиш, асарни чуқур ўрганиб, унга профессионал ёндашиш зарур. Афсуски, бу борада камчилиқлар бор. Менимча, ижрочи асарни, айниқса, мумтоз асарни ўз ижро йўлига мослаши мутлақо нотўғри. Машаққатсиз эришилган муваффақият узоққа бормаиди, яъни энгил ижро билан халқнинг юрагидан ўрин олиб бўлмайди.

— **Ижодий режиссарнинг билан таништирсангиз.**

— Жуда кўп давлатларда ижодий сафарда бўлдим. Яқинда Мароқаш ва Тунисда ўтган аънавий мусиқа фестивалларида миллий санъатимизни дунёга яна бир бор танитиб келдим. Тантанали байрам тадбирларида қатнашдим. Октябрь ойида қўшни Туркменистонда бўлиб ўтган Ўзбекистон маданият кунларида миллий санъатимиз намоёндалари билан фаол иштирок этдим. Бундан ташқари, Ўзбекистон давлат филармониясида, вилоятларда концерт ва ижодий кечалар уюштирилган. Устозим Шавкат Мирзаев билан янги концерт дастури устида ишлаяпмиз. Асосий мақсадим мусиқий хазинамизни мумтоз санъатимиз намуналари билан бойитишга муносиб ҳисса қўиш.

Ирода ШОҚИРОВА,
консерватория катта ўқитувчиси

Театр санъатининг раванки, саҳнага қўйлаётган асарлар савиясини кўтаришга доир муаммоларни ҳал этишда улғу адибларнинг саҳна санъати билан ҳамкорлигини ўрганиш ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Бу борада барча бадиий жанрларда унумли ва самарали ижод қилган Чўлпон адабий меросида ҳам бугунги театр санъати учун фойдали жиҳатлар жуда кўп. Санъаткорнинг ижтимоий-лирик характеридаги гўзал шеърлари, “Кеча ва кундуз” каби машҳур романи, “Еркиной” каби пьесалари, “Ҳамлет”нинг таржимаси, адабий-шуолик ва театр танқидчилигига доир мақола ва тақрирлари адибнинг театр ҳаёти билан жуда яқин бўлганини кўрсатади.

Чўлпон театр танқидчилиги соҳасида ҳам жиддий, ҳар томонлама ўрганишга лойиқ малалик мерос қолдирган. У театр санъатини билимдонлик билан тарғиб қилган. Чўлпон бадиий меросининг бугунги кунларимиз учун қимматли томони шундаки, у бизни 20-йиллар ва 30-йилларнинг биринчи ярмидаги санъат оламига олиб киради, ўша давр бадиий санъати манзараси билан таништирилади, саҳна асарларининг савияси, уларнинг ютуқ ва камчиликлари ҳақида тасаввур туғдиради.

Чўлпон ўзбек театрининг ривожланиш манбаларини асосан миллий-маданий аънаваларни тўлиқ ва ҳар томонлама ўзлаштириш ҳамда тараққий эттиришда деб билди. Зеро, адиб ўзбек халқининг санъатига оид барча манбаларни авайлаш, кўз қорачиқдай сақлаш, уларга янги мазмун ва оҳанг бериш зарурлигини қайта-қайта таъкидлаган эди. Унинг миллий мусиқа асбоблари ҳақида кўюниб айтган сўзларига аҳамият берайлик: “Бизнинг чолғимиз йўқолиб кетишдан сақланмоғи лозим, қўйларимиз унутилиш ва бузилишдан асрамоғи даркор. Бизнинг вазифамиз — ушаларни тор бурчақлардан кенг майдонларга олиб чиқиш, ўстириш, парвартиш қилиш, тарбия беришдир”.

Чўлпон халқ орасида томир отлан аския ва қизиқчиликни кенг тарғиб қилиб, уларнинг қўламини янада оширишни таъкидлаш ҳам характерли: “Халқ қизиқчилигини ўрганиш театримизнинг комедиячилик томони учун катта оқиб беради”. Халқ ўртасида авж олган бу аънава санъат руҳи ва мазмунини тўлиқ киритиш борасида Чўлпоннинг қайғуришлари тахсинга сазовор. Чўлпон қизиқчилар санъатини янада кенг қўлашни тақдир этди. Унинг фикрича, “... уларнинг асарларини, уларнинг оммавий ва янги ижодларини ёлғиз сыйлаб, тўйлар ва оқиб майдонларига эмас, опера, драма, комедия саҳналарида ҳам кўриш лозим”.

Чўлпон ҳеч бир санъат фақат ўзининг миллий қобилига ўралиб қолиб, улкан ютуқларга эришиши мумкин эмаслигини чуқур тушунаган эди. Унинг эстетик қарашлари асосий масалалардан бири санъатда байналмилалликка катта аҳамият бериш, унинг заминда ўзбек санъатини тараққий эттиришдир. Мана унинг эстетикасининг туб моҳияти: “...Оврупа мусиқа билимининг етарлиқ даражасига эришиб, ундан кейин Шарқ классик мақомлари ва халқ куйларини ҳам яхшилаб текшириб, Шарқнинг эски мусиқа билимлари билан ҳам танишиб майдонга чиқса, қимматбаҳо асарлар бериб бўлар эди”, деган эди Матюсоф Ҳарратов ҳақида. Чўлпон Европа санъатини ўрганишигина эмас, уни чуқур эгаллаш лозимлигини ўқитди. “...Оврупа мусиқа билими зинасининг биринчи погонасига қадам қўйганлар, нариги погоналар ҳам тирмашиб чиқмасалар, чала билим билан мусиқа соҳасида кўп нарс қилолмайди...” деди.

Қарашларининг яна бир жиҳати санъатда ҳаққонийликка эришиш билан боғлиқ. Санъаткор бу масалани жуда кенг тушунади. Унингча, ҳаётни, ундаги воқеаларни худди ўзидай қилиб санъатга, спектакллarga ўтказиш шарт эмас. Асосий гап бадиий ижод қонуниятидан келиб чиқиб, санъат ҳодисаларига баҳо бериш, улар қанчалик ҳақиқат мезонига мос тушишидир.

Чўлпоннинг асосий андозаси бадиий асарда, спектаклда мавжуд “асллик”ка, яъни ҳаққонийликка эришишдир. Чўлпоннинг барча танқидий мақола ва тақрирларида бадиий-ижодий маҳоратни эгаллаш, уни юксалтириш масаласи қўйилган. Театрнинг ҳам, ҳар бир артистининг ҳам ижроси ҳам жуда маъқул тушган. У жуда берилиб ўйнаганидан, “унинг ичида эркин-эркин” яшайдиган чексиз мамнун бўлган. Худди шунга ўхшаш ижодий гапларни саҳна бўлбули Ҳалима Носирова тўғрисида ҳам тўққинлиб, завқ-шавққа тўлиб ёзган эди.

Чўлпон эстетикасида яна бир жиддий

ЧЎЛПОН — ТЕАТРИШУНОС

фожиалик бўлгани ҳолда ўйнашда кулли бўлиб чиқди”. Жанр табиатини тушунамаслик, унинг характерли хусусиятини беролмаслик санъаткорни ранжитмаслиги мумкин эмас эди.

Адибнинг сатирик асарларга қўйган талаблари ҳам диққатга сазовор. “Турмушда кулдура турган жойлар бор: ammo у жойларни саҳнада ясамоқлик билан беришда кулли чиқмайди, балки аксинча, табиий турмушдагидай қилиб берилса кулли чиқмайди”. У спектаклдаги ҳар бир ҳодиса, ҳар бир қилиқ, артистининг ташқи қиёфаси ўзи ўйнаган ролага ҳақиқатдан мос тушиши лозимлигини қатъий талаб қилган. “Ковани оҳангар” спектаклида бир чол образи хусусида тўқталиб, “...ёшим соҳасида етди” деган ёшларни баъараси ва ҳаракатлари кўпроқ ёшларга бўлб ўтди...” деди.

Чўлпон театр тарихида жуда характерли бўлган, спектаклда кичик бўлиб кўрилган, ammo асар моҳиятига зарар етказмаган, томошабинларни санъат ҳақиқатидан безиралтирган бир мисолни келтиради. Фитратнинг “Чин севин” асари асосида қўйилган спектакл ҳақида тўқталиб, жумладан, шундай дейди: “Саҳна орқасида отилувлар ўз вақтида чиқмайди ва шунинг натижасида Раҳматуллоҳон ўқ тегмасиданок ўла бери”.

Спектаклнинг барча томонларини зийраклик билан кузатган Чўлпон унда ҳар бир деталнинг реал бўлишига даъват этган. Масалан, гримлар ортиқ даражада сунъий эканлигини унинг гапнинг қилиши билан ачинади, куйиб шундай ёзган: “...бизда тузаниш (гримга) қўб аҳамият берилмайди. Тузанишни шошилиб ясайлар-да, сўнгра сунъий сочлар остидан ҳаққоний сочлар қўб вақт “мана мен” деб кўриб қўйилар”.

Чўлпон ўз ролларини қўйиб қўлиб ўйнаган, характер моҳиятидан келиб чиқадиган куллини табиий равишда беролган, ижрода самимийлик, ҳаққонийликни сақлаб ашқлардан мамнун бўларди. У артист Лутфулла Назруллоевнинг “Ҳамлет” спектаклидаги Полоний образини худди шундай талаб даражасида яратганидан за-

вқланиб, кулли ҳолатларнинг табиий, тўғри чиққанини алоҳида қайд этган.

Адиб театрга, артистлар олдига бирдан-бир тўғри талабни қўяди: “Самимийлик, ролни англаб ўйнашлик, саҳнада эркин бўлишлик...”. Атоқли актриса Турсуной Саидзимованинг истеъдодидан, ролларни самимий ижро этганидан, ҳаққоний ўйнаганидан қўйил қолган адибнинг “Арслон” (Фитрат) драмасидаги Зайнаб роли хусусида шундай ёзди: “Турсунойнинг қудрати ва қуввати ўша кичкина рўлни ҳам улканлар қаторига чиқарди, бир кўриниб ўтатургон Зайнабни бир умр унутулмас тасвирга айлантди”.

Адибимизга Турсунойнинг “Икки бойга бир қарол” спектаклидаги қиролчиқа роли ижроси ҳам жуда маъқул тушган. У жуда берилиб ўйнаганидан, “унинг ичида эркин-эркин” яшайдиган чексиз мамнун бўлган. Худди шунга ўхшаш ижодий гапларни саҳна бўлбули Ҳалима Носирова тўғрисида ҳам тўққинлиб, завқ-шавққа тўлиб ёзган эди.

Чўлпон эстетикасида яна бир жиддий

шабинларнинг онгига муҳим ғояларни олиб кирувчиларидир.

Театр ижод лабораторияси, драма учун синов майдони эканини Чўлпон чуқур англаб етган эди. Н.В.Гоголнинг “Саҳнага қўйилмаган пьеса танабаси жон” эҳалиги ҳақидаги таърифи ҳам санъаткоримизга яхши аён эди. У драматург билан театр алоқаси, режиссёрнинг аҳамияти, актёрларнинг роғт катта роли, расомасидаги Зайнаб роли хусусида шундай ёзди: “Турсунойнинг қудрати ва қуввати ўша кичкина рўлни ҳам улканлар қаторига чиқарди, бир кўриниб ўтатургон Зайнабни бир умр унутулмас тасвирга айлантди”.

Чўлпон эстетикасини ташкил этувчи муҳим масалалардан яна бири — тил. Чўлпон драма ва спектакл тилига жуда катта эътибор бериб, мақолаларида бирини “Сўз, сўз, сўз” деб номлашда чуқур маъно бор.

“Сўз, — дейди адибимиз, — санъатнинг классик энг мукамал нусхасидир”. У “...томошабиннинг, театру томошасининг асосан сўз устига қурулганини...” алоҳида айтиб ўтади. Шу сабабдан ҳам актёрдан халқдан ва фольклордан руҳланиб, озиқ олиб, сўз устида тинмай, узлуksиз ишлашни, саҳнадан туриб чиройли луқмаларни гўзал қилиб айтишни, асарларнинг мазмунига, қаҳрамонлар характерига, юз берган воқеалар маъносига қараб овоздаги оҳангни турлича изҳор қилиб беришни талаб қилар экан, бу билан муҳим бадиий принципларни тарғиб ҳам этган. Адиб саҳнада арабий ва форсий сўзларни янгилиш айтиши, шеваларни ўринсиз ишлаштириш, сўзларнинг бузилиб, тутилиб, ямлаб талаффуз қилинишига, мазмундаги тўвланишни беролмасдан бир оҳангда гапирилиши, сўз билан характернинг узлиб қилинишига, мусиқа театри билан драма театрида овозларнинг фарқига етмасликка қарши чиққан.

Чўлпон эндигина бошини кўтариб, қалди-қоматини ростлай бошлаган, Ҳамза ва Маннон Уйғур ташкил қилган миллий ўзбек театрига жуда юксак баҳо берди, унинг ҳар бир муваффақияти спектаклдан завқланиб, эзлик билан ижодий-илмий фикр билдириб, халқ ўртасига ташлади. “Орқамизда, — деб ёзди Чўлпон, — тахминан 12-13 йиллик ҳаваскорлик йўли қолди. Чин маъносини билан театримиз эмас, саҳна билан ошнолигимиз бошлангичликдан чиқди. Демак, биз — саҳнада (қайтарай айтман: саҳнада) анча ўсдик”.

Шуниси характерлики, адиб миллий театрининг эволюциясини йилма-йил кузатиб борди, унинг ривож қабиларини қувонч билан ошнолигимиз бошлангичликдан чиқди. Демак, биз — саҳнада (қайтарай айтман: саҳнада) анча ўсдик”.

Шуниси характерлики, адиб миллий театрининг эволюциясини йилма-йил кузатиб борди, унинг ривож қабиларини қувонч билан ошнолигимиз бошлангичликдан чиқди. Демак, биз — саҳнада (қайтарай айтман: саҳнада) анча ўсдик”.

Адибнинг бошини кўкка етказган нарсаси В.Шекспирдай улғу драматургининг жаҳонга машҳур мураккаб, қийин, оғир асарларини саҳнага “...қўйиш даражасига эришган театр”нинг вужудга келгани бўлди. Шу сабабдан ҳам кундан-кунга гуллаб бораган, ҳар ерда мақталган, ўзини қўйиб кўрсатган театримизга халқ оқиб кела бошлаган. “Халқ театрга юрмайди, деган гап тўғри эмас, — деб таъкидлади адиб, — халқ юради... ўзини қизиктиратурган замоналарда ёзилган ва яхши ўйналатурган томошаларга халқ юради”. Гапнинг исботи учун театр тажрибасидан қатор мисоллар келтирилади. Унда ҳамда санъатига ниҳоятда талабчан бўлган Чўлпон театри, унинг режиссёр ва актёрларини турғулликка учрамасликка қарши, бир жойда депсиниб қолтирилган, ижодий малакаларини ошириб бормасликларига астойдил қарши чиқиб, “... доим олдинга қараб интилиш”га чорлади.

Ҳа, бугун улкан адибнинг умидлари рўёбга чиқди. Ҳозир Европа театри билан беллаша оладиган ўзбек миллий театри эгамиз. Бу эса, Чўлпон руҳини шундай турган гап.

Ҳафиз АБДУСАМАТОВ

БАХШИЛАР УСТОЗИ

Ўрта мактабни тугатиб, Нукус шаҳридаги Жапақ Шумуротов номидаги санъат билим юртининг қўшиқчилик бўлимига ўқишга киришни ният қилиб қўйдим. Лекин ҳаммаси ҳам биз ният қилганимиздек бўлавермас экан. Бу ерда воқал (қўшиқчилик) йўналиши бўйича абитуриент қабул қилинмас экан. Тарзувизм қўлигимдан тушиб, нима қиларим билмай хаёл суриб ўтирганимда, катта ёшлардаги киши ёнимга келиб ҳолаҳвол сўради. Мен бу даргоҳга нима мақсадда келганимни ва содир бўлган воқеани айтиб бердим. У диққат билан эшитди, сўнг бир хонага олиб кириб, “Узинг яхши кўриб айтганидан қўшиқчинг бўлса айтиб бер”, — деди. Ҳурсанд бўлиб Ажиниёз сўзи билан “Елларим борди” қўшиғини айтиб бердим.

Бироз сукут сақлаб турдида, “Болам, яхши овозинг бор экан. Сен бундай қил. Бир йил олдин “Фолклор” бўлими очилган, бу йил бахшилик йўналиши бўйича талабгор абитуриентларни қабул қилишяпти, маъқул келса, шу бўлимга ҳужжатларингни топшир, овоз масаласига келсак ўзим сен билан ишлаймиз”, — деди. Мен ҳеч нарсага тушунмай “хўп, хўп” дея чиқиб кетдим. Кейинчалик ўқишга кириб билсам бу инсон фидойи, меҳрибон, меҳнатсевар, каттиққўл устоз Бозорбой Нодиров экан.

Тўрт йил ўқиб давомда бахшилик, халқ ва опера йўналишидаги қўшиқларни ижро этиш йўллари, овозни қандай бошқариш, нималарга эътибор қаратиш, саҳнага қандай ҳолатда чиқиш, шеър муаллифи ва композитор билан қандай ишлашни шу устоздан ўргандим. Устоз шоғирдларига айтадиган ўғит шундан иборат: “Қўшиқ айтиш учун катта куч керак эмас, фақат нафасни тўғри олиш, ундан унумли фойдаланиш, келган. Ёшлигидан етим қолган бу одам бир бурда ном топиш, оқ қолмаслик учун бировларнинг моллини боқиб, чўпонлик қилган. Сўнг болалар уйда тарбияланган.

Санъатимиз фидойилари

Шуни айтиб ўтиш жоизки, Бозорбой аканинг оиласи, ака-ука ва қавм-қариндошлари орасида санъаткор бўлмаган. Қўлида чўпонлик тағи билан, саҳро кенгликларидида қўй-қўзлар орқасидан югириб-елиб юрган етим боланинг овунчи тўйларда, катта-катта давраларда халқ жиров ва бахшилари ижроларида эшитган, эслаб қолган куй-қўшиқларни хиргойи қилиш бўлган. Тонининг отишию кунининг бошишани санаш билан ўтказган чўпонлик йилларида ҳаваскорлик тўғрақларию профессионал санъат турларидан беҳабар устоз ғам-ташвишлардан фориг бўлиш учун ҳам халқ бахшиларининг яхшиликка, эзуликка ундовчи дostonларни ва қўшиқларидан куч-қувват олган, келажакка ишонч тўғуларни билан яшаган.

Устоз гоҳида бизга ёшлиги ҳақида сўзлаб беради. Унда, айниқса, Ёшлар Жапақ, Шерниёз, Қиёс, Жумабой ва бошқа бахши — жировларнинг тўй-хашамлардаги чиқилари, “Гўрўғли”, “Ғариб-Ошиқ”, “Алпомиш”, “Шарияр”, “Баҳодир” ва бошқа қаҳрамонлик, севги-муҳаббат дostonларини маҳорат билан образга кириб ижро қилиши бир умрга ўчмас таассурот қолдирган. Интернетда ўқиб юрганида ашула тўғрагига қатнашган. Меҳнатда суяги қотган, турмуш

Рашид УСНАТОВ,
Санъат институти катта ўқитувчиси

“ТҮЙ”

Миллий театр саҳнасида Олим Хўжаев номидаги Сирдарё вилоят мусикали драма театри саҳналаштирган “Тўй” спектакли намойиш этилди. Асар мавзуси фарзанд тарбияси, фарзанднинг ота-она олдидида бурчи ҳақида бўлиб, гиёҳвандлик, пул ва бойлик кетидан қувши оқибатида инсоний қиёфасини йўқотиб бораётган шахслар танқид қилинади.

— Сирдарё театрининг имкониетлари катта — дейди профессор Тешабой Баяндиёв. — Жамоа долзарб мавзуга қўл урган.

Асосий ролларни театрининг етакчи актёрлари Адхам Абдуллаев, Шариф Жумаев, Мавлуда Маматиллоахунова талқин этган. Спектаклни режиссёр Жўра Маҳмудов саҳналаштирган.

М.КАРИМОВА

“ТЕАТР”

Журналнинг 5-сонини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримовнинг мустақиллигининг 79 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи билан очилади. “Ўзбектеатр” ижодий ишлаб-чиқариш биришмаси бош директори О.Ризаевнинг “Саҳнада замонавий қаҳрамон образи” мақоласи бугунги кунда театр санъати олдида турган долзарб масалаларга бағишланган.

Журнал саҳифаларидан танили театр-шуонослар Т.Исломовнинг “Тадқимотдан олдин ва кейин”, С.Турсунбоевнинг “Истеъдодли режиссёр”, Д.Қодировнинг “Саҳна беазаги — нозик”, Т.Баяндиёвнинг “Устоз — шоғирдлар наздида”, А.Раҳимовнинг “Дирижёр”, Б.Аҳмедовнинг “Қанот жуфт бўлади”, Э.Уриновнинг “Халқ-



М.КАРИМОВА

Журналларни варақлаганда



ро театр фестивали” сингари мақолалар ҳам ўрин олган. Уларда бугунги драматургия, режиссура ва ижро санъати масалалари атрофида таҳлил қилинган. М.Комилжоннинг “Туташ тақдирлар”, Э.Усмоновнинг “Дунёни гўзаллик қутқаради”, С.Умировнинг “Тўғён сирлари”, А.Ҳошимовнинг “Безаклар кўрки”, Л.Мансуровнинг “Қўшиққа кўнган умр”, У.Нурмухамедовнинг “Саҳна нурки”, Қ.Саъдуллаевнинг “Ролнинг катта-кичиги бўлмайди” сингари мақолалари ҳам ўқувчиларга манзур бўлади, деб ўйлаймиз.

Азамат АХМЕДОВ, ЎзМУ талабаси

БИРИ БУЛБУЛ, БИРИ ГУЛ БАРГИ

“Баъзан ўзимга савол бергим келади: Мен ўзи қаердан чиққанман ва нега расмом бўлдим? Мени шу ўзганга солиб юборган калит, манба қаерда? Бу — китоблар, болалик хотираларимдир”, — деб ёзади Ўзбекистон халқ расмони Жавлон Умарбеков.

Мусаввирнинг “Тоҳир ва Зухра ёшлигида” асари ҳам ана шундай бой ва беғубор тасаввурлар асосида яратилган. 100х100 ҳажмдаги матога мойбўёқ билан ишланган рангтасвир асариди халқимизнинг сеvimли қарамонлари сиймоси халқона оҳанг ва халқ амалий санъати ранглари уйғунлигида намойиш бўлган. Мусаввир ушбу асарда халқимиз тарихининг энг қадимий ва ҳаммиса замонавий мавзуларига мурожаат этган.

Асарнинг “Тоҳир ва Зухра ёшлигида” деб номланишида рамзий маъно бор. Чунки Тоҳир ва Зухра болалигида, ёшлигида сеvim, муҳаббат оғушида бахтиёр эди. Мусаввир картинада сеvim, муҳаббат туйғуси ҳеч қачон қаримайди, ҳаммиса ёш ва навқирон бўлиб қолаверади деган мазмунни ҳам ифодалаган.

Асарда 14-15 ёшлардаги ўспирин йиғитча бўй етган гўзал киз билан сирлашаётгандек. Уларнинг орқасида олижаноблик, поклик ва беғуборлик тимсолида оппоқ тулпор тасвирланган. Ушбу манзарада “От-йиғитнинг қаноти” деган ҳикмат, халқ достонлариди

ўз эгаларининг муроду мақсадиға етишишиға ёрдам берган Фирот, Бойчибор сингари тулпорлар эсга тушади.

Сайёдий “Тоҳир ва Зухра” дostonида икки сеvimнинг Боғи майдондаги висол дамларини шундай таърифлайди:

**Кириб боғ ичра бу икки дугона,
Бирин булбул, бирин гулбарги дон.**

**Иккин қўшилдибу мунглашурулар,
Кўчоглашиб кўрушуб йиғлашурулар.**

**Киз бир соза тузилди бу икки соз,
Қириб сиз ичиди бу икки роз.**

**Киз ишқ аҳлида бўлмас наву номус,
Кўзига ҳеч кўрунас душману дўст.**

Жавлон Умарбеков асарини томоша қиларкансиз икки сеvimнинг мана шу учрашуви кўз олдингизга келади. Тоҳирнинг юз-кўзларидан гурур, ўқтамлик, айни пайтда мунг сезилади. Чунки, Зухранинг отаси Тоҳирнинг отасига берган ваъдасидан тонган. Отаси ўлиб, етим қолган Тоҳирга қизини бераманми, дея Бобоҳон Зухрани Тоҳирдан ажратиб, Қоработириға беришга қарор қилган. Картинадаги Тоҳир кифасида ана шу руҳий ҳолат тасвирланган. У сеvimлини ҳеч кимга бермайман дегандек, ёрининг елкасидан ушлаган.

Зухра томошабинга тескари, юзи Тоҳирга қараган ҳолатда тасвирланган. Зухранинг битта қилиб узун ўрилиб, елкаларига ташланган қалин сочи, нозик бўйни, қулқларидиға зирақлари, кашта гули билан тикилган сувсар чамбаракли қалпоғи, эғнидаги атлас шохи қўлиға нихоятда гўзал тасвирланган. “Охириги йилларда Жавлон Умарбековни айниқсара ранглар уйғунлиги муаммолари ечми кўпроқ ҳаяжонга сола бошлади. У синқовлик билан ранглар ўртасидиға рамзий фольклор



ларида ҳам ишлаган. Бу асарларда Кушон шаҳзодасининг бош қисми, юз-кўзлариди бош қийми ҳайкал тарзидаги сурати ишланган. “Тоҳир ва Зухранинг ёшлигида” эса мусаввир миллий бош қиймини табиий, жозибали кўринишда тасвирлайди. Қалпоққа кўндирилган олмос тошлар, қалпоқ гардишидаги қундуз кўйинаси Тоҳирнинг аслзода йиғит эканини аңлатади. Мусаввир персонажлар қийимларига ҳам рамзий маъно юклаган. Асардаги рангларнинг ҳар бирининг ўз маъноси бор. Тоҳирнинг эғнидаги либоси сарғиш рангда. Бу Зухранинг ишқиди “бемор” бўлган ошқ ҳолатига ишора. Тоҳир ёр ишқиди ёниб-қуяётган ошқ. Унинг либосидиға рангда бу маъно ҳам зоҳир. Зухранинг либоси ҳаворанг нақшли атлас. Бу сув ва осмон қўчлари рамзи. Кейинчалик Тоҳирни сандиққа солиб дарёға оқизишдиға Зухранинг сувға ва осмонға қараб, қанчалар илтижо қилгани бу рангда берилган. Атласнинг нақши тўлқинсимон. Бу кўзлардан оққан дарё-дарё ёшни, тақдир зарбаларига сабуру бардошни аңлатади. Зухранинг сочига қўшиб ўрилган кўк тасма эса жаннат болларининг ранги. Демак, Зухра — ҳур, хурилик.

Жавлон Умарбековнинг ушбу асариди муҳаббат, ҳаёт ва ёшлик завоқи ифодаланган. Бу асар ўсиб келаятган ёш авлодға миллий қадриятларға садоқат, сеvim ва муҳаббатда собиллик, меҳру вафо сабоқларини беради. Тоҳир ва Зухра сеvimсига ҳавас маънавий баркамолликка етаклайди.

Рустам МУСУРМОН

«ЎЗАС» галереяси

тасаввурларини ўрганиб, ўзбек халқ санъати маҳсулотлари — сўзана, мато, гиламдўзлик, сопол буюмлардан ранг ечми эстетикаси мутаносиблигини ўрганиди”, — дейди санъатшунос олим Акбар Ҳақимов. Бу хусусият мусаввирнинг “Тоҳир ва Зухра ёшлигида” асариди ҳам кўринади.

Ўз-ўзидан савол туғилади. Зухра нима учун томошабинларға тескари қараб турибди?

Менимча, мусаввир бунда ўзбек халқи менталитетидаги фазилатларни тасвирламоқчи бўлган. Зухра ҳаёли ва иболи қиз. Унинг кўзи фақат Тоҳирни

кўради. Унга ўз ёридан бошқа ҳеч қандай ҳавасларидан, ҳатто табиат гўзалликларидан ҳам юз ўйирган. Унинг учун Тоҳирсиз ҳаёт ҳаёт эмас. Мусаввир Зухрани садоқатли ва вафодор ёр тимсолида тасвирлаган. У беғубор орзуларни рўёбга чиқаришда мададкор бўлувчи оппоқ тулпорға умид билан кўз тиккан. Барчиноғиға етишишда Алломиға Бойчибор қандай кўмак берган бўлса, оқ тулпор ҳам Тоҳир ва Зухраға хизмат қилишға шай.

Тоҳирнинг бошидаги учи ўткир бурчакли узун қалпоғи Кушон шаҳзодасининг бош қиймиға ўхшайди. Бу детал мусаввир “Кушон шаҳзодаси билан автопортрет”, “Ой натюрморти” асар-

Охириги марта қачон дилдан, хотиржам суҳбат қилгансиз? Қалбингизға қачин инсон билан самимий гурунлашишға нима етсин. Вақт йўқ, иш қўп, улгуролмаймиз дейсизми? Йўқ, ахир сиз учун олтиндан қиммат вақт атрофингиздаги қадрдошларингизнинг меҳр тўла қалбларидан устун бўлолмайдикун.

Яқинда кўлимға Мусулмон Намознинг шу йили чоп этилган “Юлдузлар шамолди ёки мухлис билан суҳбатлар” номли китоби тушди. Бу китоб айнан самимий суҳбат тарзида ёзилган, десам муболаға бўлмайди. Унда адабиётшунос, журналист Мусулмон Намоз

қилинади. “Мен ўзим ҳаёт ва ижод йўлини бугунги эришган муваффақиятларнинг чўққисига тиркаб қўйилган нарвонға ўхшатаман. Бу нарвоннинг поғоналарини эса шундай номладим: шогирдлик — қосиблик — ҳунармандлик — усталлик — санъаткорлик,” деб ёзади муаллиф. Ҳар қандай мухлис учун ижодини ҳурмат қилиб, кузатиб борадиган хонандасининг санъатға кириб келган кундан бошлаб то халқ назарига тушунгича босиб ўтган ижодий йўлини кузатиш қизиқ, албатта. Китобда буларнинг барчаси, яъни ижо-

Китобингизни ўқидим

сонлар, дўстларининг ёрдами беқийс бўлган.

Хонанданин аңча йил мусиқада мактабда дарс бергани, қатор шогирдлар етиштириш билан бирға, ёш бўлишға қарамай ўқувчилари муваффақиятға эришганлигини ўқиб қувондим. Зеро, санъаткор куй, қўшиқни ҳар қанча сеvim ҳам уни бировға ўргата олмаси, уни ҳақиқий санъат фидойиси, дейиш қийин.

Китобнинг сўнгги бобида ҳам санъаткорнинг ёрқин хотиралари жой олган. Суҳбат Маҳмуд Номозовнинг устоз санъаткор Ботир Зокиров хотирасига бағишлаб замонавий ўзбек қўшиқларининг биринчи кўрик-танловиди “Бахшиёна” қўшиғи билан қатнашгани ва иккинчи ўринға сазовор бўлгани ҳақидаги воқеалар баёни билан яқунланган. Танлов сабаб, сеvimли хонандамиз Фаррух Зокиров ва шoirимиз Муҳаммад Юсуф билан танишади, уларни ўзига устоз ҳамда дўст, деб билади.

“Халққа ўргатиш керак эмас, халқдан ўрганиш керак”, деб ёзади муаллиф. Менимча, Маҳмуд Номозовнинг бутун ижоди мана шу тушунча асосиға қурилган. Она юртта бўлган муҳаббат унинг ҳар бир қўшиғида муқаммас, шу сабаб ҳам у эл ардоғида ва халқнинг чинакам фарзанди.

Китобни ўқисангиз гўё яқин дўстингиз билан дилдан суҳбатлашгандек қалбингизни ажиб туйғу қамраб олади. Самимий, содда тилда ҳикоя қилинган барча воқеалар сизда ҳам худди шундай таассурот қолдиришиға ишонамиз. Ёш, санъатға энди кириб келаятганлар учун ҳам бу китоб айни муддаодир. Чунки чинакам, эл сеvimган хонанди бўлиш йўлидаги интилишлар таъсирчан баён этилган бу китобдан ўрганилиши лозим бўлган аризонлик нарсалар бисёр. Аммо китоб ҳали нихоятсиз етмаган, зеро, келажакдаги суҳбатлар олдинда. Муаллиф мухлислар билан самимий мулоқотлари давом этишини айтади. Биз ҳам буни интиқлик билан кутиб қоламиз.

**Моҳира ОТАБОВЕВА,
Жаҳон тиллари
университети
талабаси**



Ўзбекистон Вақтинчи мамми...

МАДАНИЙ ҲАЁТ

Ўзбекистон Чет эллар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши залида Америка кино фестивали бўлиб ўтди.

Режиссёр Блейк Эдвардснинг “Тиффани тузурида нонушта” фильми намойиши билан бошланган мазкур тадбирда турли ёшдаги томошабинларға мўлжал-

ланган “Кичик шумтакалар”, “Бриоллин”, “Юкюрига”, “Зумрад шаҳар сеҳрлари”, “Бутч Кесседи ва Сандес Кид” каби картиналар тақдим этилди. Фестивал режиссёр Жой Жонсоннинг “Октябр ойи осмони” фильми билан яқунланди.

**Флора
ФАХРУТДИНОВА**

Алишер Навоий номидаги кино самиздаги элчихонаси ташаббуси билан бўлиб ўтди. Тадбирға машҳур актёр Раж Капурнинг ўғли Рандхир Раж Капур ҳам таъриф буяриб, ўзбекистонлик кино иҳлосмандларини ҳинд кино санъати янгиликлари билан таништирди. Фестивалда ҳиндистонлик режиссёрларнинг энг сара фильмлари

ройида Ҳиндистоннинг мамлакатини ҳинд фильмлари фестивали бўлиб ўтди. Тадбирға машҳур актёр Раж Капурнинг ўғли Рандхир Раж Капур ҳам таъриф буяриб, ўзбекистонлик кино иҳлосмандларини ҳинд кино санъати янгиликлари билан таништирди. Фестивалда ҳиндистонлик режиссёрларнинг энг сара фильмлари

Тошкент шаҳар 1-сонли тиббиёт коллежи томонидан 2003 йил №113486 рақам билан Матсапова Шириной Баҳодирова номиға берилган диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги тиббиёт коллежи томонидан 2007 йили (рўйхат рақами №11450) К №7899005 рақам билан Джуманова Насиба Рустамовна номиға берилган диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Миробод тумани ҳокимияти тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўлимида рўйхатға олинган “EAST QUALITY” МЧЖ (ИНН 300637796. ОКПО 22217378) тугатилди. Эътирозлар эълон чаккундан бошлаб икки ой давомида Тошкент шаҳар Адросибаб кўчаси 28/14 уйда қабул

қилинади: Тел: 8(371) 150-01-75.

Тошкент шаҳар Радиотехника касб-хунар коллежи томонидан 2007 йил КН-№767795 рақам билан Шералиев Шокир Тўйчибаевич номиға берилган диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар, Мирзо Улугбек тумани Технолоджи коллежи томонидан Ибрагимова Гульхан Реджепаева номиға 2004 йили №149291 (рўйхат рақами №2751) рақами билан берилган диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерьяные документы на квартиру по адресу г.Чирчик (Ташкентская область) ул. Садаф дом 19 кв 23 на имя Мальцева Юрия Николаевича. — план квартиры, — договор купли-продажи, — домовую книгу считать недействительными.

Соғлигинг — бойлигинг Гриппнинг олдини олиш мумкинми?

— Ҳар қандай турдаги гриппдан ҳозирча энг самарали ҳимоя унга қарши эмлаш (вакцинациялаш) ҳисобланади, — дейди профессор М. Костинов. — Грипп штаммлари ҳар йили ўзгариб туришиға қарамай уларнинг вируси, одатда, битта бўлади. Гриппға қарши эмланган одам иммунитети вирус билан қурашувчи антителалар ишлаб чиқаради. Эмлашдан сўнг икки ҳафтадаёқ шундай иммунитет шаклланади. Эпидемия пайтида ўтказилган эмлаш ҳам самарасиз эмас. Кўплар эмлашдан кўра бир марта грипп билан оғриган маъқул, деб ҳисоблашади. Бироқ шунини унутманки, ҳар қандай хасталиқдан бирор асорат қилиши мумкин. Шу боис, эмлаш йўли билан унинг олдини олган маъқул.

Грипп ёки шамоллаш вируси юкмаслиги учун бу касалликларға чалинганлар қанча вақт ўзини бошқалардан узоқ тутиши керак?

— Одатда 2-5 кун, яъни ҳарорат баланд бўлиб, йўтал ва бурун битиши барҳам топмагунча, — дейди профессор А. Карабиненко. — Бироқ шунини ҳам унутмаслик керакки, касалликдан қучсизланган киши кейинчалик ҳам атрофдагиларға касални юқтириши мумкин. Айниқса, қонида вирус борларда бунинг эҳтимоли юқори бўлади.

Кўк чойнинг фойдаси ва зарари

— Кўк чойнинг фойдали жиҳатлари жуда кўп. Бироқ айрим хасталикларға чалинганда уни ичмаган маъқул, — деб ҳисоблайди доктор С. Агакин. — Кўк чой таркибида кўплаб пурин моддалари мавжуд бўлиб, у организм учун захарли ҳисобланган сийдик кислотасига айланади. Бу кислота моддалар алмашинуви жараёни бузилишиға олиб келади. Унинг организмдан чиқиб кетиши қийин кечади. Шу боис, бўғимлари оғриб турадиган ва подаградан шикоят қилувчи кишилар кўк чой ўрниға қора чой ичса ҳам бўлаверади. Бундай беморлар кўк чой ичишни тўхтатганларидан сўнг аҳоли яхшиланган.

— ҳафтасига уч марта ярим соатдан (югурич, сузиш, велотренажёр ҳайдаш) жисмоний машқлар билан шугулланиш;
— чой, кофе, шоколад, кучкуватни оширувчи бошқа воситаларни чеклаш; Кофеин 4-6 соат, кексаларда эса 8 соат кўзгаллишға сабаб бўлади.
— уйку вақтини қаймайтириш; агар тез-тез уйғонсангиз уйку юзаки бўлади ва организм чарчоқлар ўрнини тўлдиролмайди;
— тўшақда 15 дақиқадан ортиқ ухломлай ётманг, уйку келмаса ўрнингиздан туриб, то мудрай бошламагунингизча ётманг;
— уйку режимиға риоя этинг, яъни қанча ухлаганингиздан қатъи назар бир вақтда туришға ҳарқат қилинг. Агар иш кунлари соат 6 да туриб, дам олиш кунлари 12 га қадр ётсангиз организмни янгиштирасиз. Натияжада дам олиш кунини уйку-сизликдан қийналасиз;
— икки-уч ҳафта мобайнида кунини уч маҳал валерьянка, арслонқўруқ ва шунга ўхшаш ўт-ғиёҳлар дамламасидан ичиб юриш ҳам уйкуни меъёрга солишға ёрдам беради.

Яхши уйку нимаға боғлиқ?

— Уйкусизликнинг бир нечта сабаби бор, — дейди профессор Р. Бузунов. — Масалан, кислотород етишмаганда ёки хуррак отганда, стресс ва депрессия ҳолатларида, шуниңдек, кофеға ўрганиб қолганларда уйкусизлик юз бериши мумкин. Куч-қувватни оширувчи турли дори воситалари ҳам уйкусизликка сабаб бўлади. Бу борада шифокорға мурожаат қилишдан аввал қуйидаги тадбирларни бажариб қўриш керак:

— ҳафтасига уч марта ярим соатдан (югурич, сузиш, велотренажёр ҳайдаш) жисмоний машқлар билан шугулланиш;
— чой, кофе, шоколад, кучкуватни оширувчи бошқа воситаларни чеклаш; Кофеин 4-6 соат, кексаларда эса 8 соат кўзгаллишға сабаб бўлади.
— уйку вақтини қаймайтириш; агар тез-тез уйғонсангиз уйку юзаки бўлади ва организм чарчоқлар ўрнини тўлдиролмайди;
— тўшақда 15 дақиқадан ортиқ ухломлай ётманг, уйку келмаса ўрнингиздан туриб, то мудрай бошламагунингизча ётманг;
— уйку режимиға риоя этинг, яъни қанча ухлаганингиздан қатъи назар бир вақтда туришға ҳарқат қилинг. Агар иш кунлари соат 6 да туриб, дам олиш кунлари 12 га қадр ётсангиз организмни янгиштирасиз. Натияжада дам олиш кунини уйку-сизликдан қийналасиз;
— икки-уч ҳафта мобайнида кунини уч маҳал валерьянка, арслонқўруқ ва шунга ўхшаш ўт-ғиёҳлар дамламасидан ичиб юриш ҳам уйкуни меъёрга солишға ёрдам беради.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРАТИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВИЧЛАР УЮШМАСИ

НОШИР: «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ

ХОМИЙ: «МАТБУОТ-ТАРҚАТУВИЧ» АКЦИЈАДОРЛИК КОМПАНИЈАСИ

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 233-52-91 Электрон манзилимиз: info@ozas.uz
Котибхона — 233-49-93

Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 236-56-50 Санъат бўлими: 236-56-48
Ижтимоий ҳаёт бўлими: 236-58-35 Назм ва наср бўлими: 236-58-55

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.

Босишға топшириш вақти — 20.00. Босишға топширилди — 19.08

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0283-рақам билан рўйхатға олинган. А — 4274. Бюроғиға Г — 941. Ҳажми — 5 босма табоқ, Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ. СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН